O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 13-may, 2009-yil • №20 (624) • 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan • e-mail: hurriyat@mail.ru • www.uzhurriyat.uz

ЁШЛАРНИНГ СЕВИМЛИ УСТОЗИ

Болалик хотираларига бериладиган бўлсам, бунинг биринчи сабаби, Холиқ ака ёш ва сермаҳсул журналист эди, газетада таҳлилий-танқидий мақолалари кўп чоп қилинарди, ёзганларини радиода ҳам узлуксиз ўзи ўқиб борарди.

➪ 4-бет

"ИПОТЕКА БАНК" КЎМАГИДА

ёш оилалар ўз хонадонларига эга бўлишмоқда

Дунёда ўз уйига эга бўлмаган одамлар кўп. Ҳатто жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида ҳам минглаб кишилар умр бўйи ижарада яшаб ўтишади. Ўз уйларига эга бўлиш орзулари армонга айланаётгани доимо қалбларига ғашлик солиб туради.

➪ 6-бет

ҲУШТАК

Шон-шуҳратга ҳаддан зиёд муккасидан кетган, доимий равишда сиёсий юғур-юғурлар билан овора бўлган ва эътиборсизлиги оқибатида касб-корини ўлда-жўлда қолдирган кимсани кўрганимда эса: "Чиндан ҳам унинг ҳуштаги жуда қимматга тушди", — деб қўяр эдим.



➪ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак 10 май куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.**

11 май куни Дўрмон қароргоҳида Корея Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакат байроқлари кўтарилиб, давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Ли Мён Бак фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Президентларнинг яккама-якка суҳбати бўлди. Ислом Каримов ва Ли Мён Бак мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

■ Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида 11 май куни пойтахтимизда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди.

■ **Италиянинг Салерно шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

"Атес Графика" нашриёт уйи томонидан чоп этилган мазкур китоб Италия жамоатчилиги ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

■ Парламент қуйи палатасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

■ **Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан эълон қилинган 9 май — Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди.**

ТАЪЛИМ

ПУХТА БИЛИМ — ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлимига қарашли масканларда замонавий технологиялар асосида таълим-тарбия ишлари йўлга қўйилган

СУРАТДА: 28-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Гулчеҳра Шамсиддинова дарс пайтида.

Ривоят қилишларича, бургут ўз полапонига учишни ўргатишдан олдин уни елкасига миндириб, юксак чўққилар устида, булутлар орасида сайр қилдирармиш. Ўзи забт эта оладиган баландликка кўтарилгач, дилбандига шундай сўзларни айтармиш: "Болажоним, мана шу баландлик менинг умр бўйи интилган ва узоқ машаққатлардан сўнг етишган манзилим. Сен эса биринчи парвоздаёқ уни забт этдинг. Бир кун келиб қанотларинг кучга тўлганда бундан минг карра юксакроқ учишинг керак. Чунки сен бургут боласисан!"

Ҳа, бу ривоят холос. Аммо унда умр бўйи "Болам мендан кўра юксакроқ марраларни қўлга киритсин" деган эзгу ният билан яшовчи халқимизнинг орзу-умидлари мужассамдек. Президентимиз "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт", деб бежизга айтмаган. Ўғил-қизларимизнинг эртанги камоли эса уларнинг бугун нечоғли билим ва тарбия олаётгани, шахс сифатида камол топаётгани, ўзига, келажагига бўлган ишонч билан вояга етаётганига ҳам боғлиқ. Бу борада мактабгача таълим муассасалари, қолаверса, умумтаълим даргоҳларининг ўрни беқиёс.

Бугунги кунда Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлимига қарашли таълим муассасаларида келажагимиз эгаларининг пухта билим олишлари учун бир қатор ижобий ишлар қилинаяпти. Таълим масканларида ёшларнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етиши учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилган. Биз таълим-тарбия ўчоқларидаги мавжуд аҳвол билан яқиндан танишишга ҳаракат қилдик. Аввало, айрим рақамларга мурожаат қилсак.

Мазкур бўлим тасарруфида 31 та умумий ўрта таълим мактаб, 5 та ақли заиф ва жисмонан носоғлом болалар махсус мактаб-интернат, 1 та Меҳрибонлик уйи, 57 та мактабгача таълим муассасалари ҳамда 8 та мактабдан ташқари таълим масканлари мавжуд.

Халқимизда "Бола бошидан" деган нақл бор. Шу боис дастлаб мактабгача таълим муассасалари фаолиятига батафсилроқ тўхталган маъқул, деб ўйлаймиз. Айни пайтда тумандаги мактабгача таълим муассасаларида 9760 нафар болажонлар тарбияланмоқда. Бу масканларда туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан турли маънавий-маърифий тадбирлар ва танловлар ўтказилаяпти. Масалан, яқинда "Қадрдон Тошкентим — 2200 ёшда" мавзусида болалар ўртасида суратлар танлови бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда.)

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

АҲВОЛ

КЎПРИКДАГИ ТОМОША

ёки Гулистон шаҳридаги антиқа "бозор" хусусида

Гулистон шаҳрини Мирзачўлнинг марвариди дейишади. Аслида ҳам шундай. Ҳудуди нисбатан кичикроқ, лекин кўркам шаҳар. Шунингдек, яқинда бўлиб ўтадиган йирик тадбир "Умид ниҳоллари" мусобақасига қизғин тайёргарлик кўраётган мезбон шаҳар ҳам.

Шаҳарнинг шундоққина ёнидан "Тошкент—Термиз" катта автомагистрал йўли ўтади. Пиёдалар ана шу йўлнинг устида қурилган кўприк орқали шаҳарга киришади. Агар йўлингиз тушиб, бир бор бўлсада ушбу кўприкдан ўтган бўлсангиз унинг кўпдан-кўп "вазифалар"ни йиллар давомида бекаму кўст адо этаётганига гувоҳ бўласиз. Бу тўғрисида сал кейинроқ тўхталсак. Энди шу кўприк яқинида рўй бераётган баъзи " томоша-ю, ҳангома"лар ҳақида.

Кўприкка етмасдан вилоят йўл қурувчиларининг уч қаватли биноси ҳамда унга туташ "Шоҳруҳ" болалар спорт мажмуаси деб ёзиб қўйилган, ойналари синиб абгор бир ҳолга келиб қолган бино ҳар қандай кишининг диққатини тортиши шубҳасиз. Ушбу мажмуа бундан тўрт йилча олдин фойдаланишга топширилиб, аҳоли, айниқса, болаларга бениҳоя хурсандчилик улашганди. Ҳавас қилса арзигулик мазкур болалар спорт мажмуаси кўп ўтмай ҳамманинг кўз ўнгида ташландиқ жойга айланди. Агар иншоотдан мақсадли ва оқилона фойдаланилганда, балки яқинда бўлиб ўтадиган мусобақаларнинг айрим турлари шу ерда ўтармиди. Ҳар қалай бундай спорт бинокори ортиқчалик қилмаган бўларди, назаримизда.

Мажмуага "Тошкент йўли" кўчасидаги ҳовлилар туташиб кетган. Ўзини таништиришни хоҳламаган спорт мажмуасига девор-дармиён қўшни 5-уйда яшовчи хонадон соҳиби билан суҳбатлашамиз.

— Спорт мажмуаси очилганидаги хурсандчилигимизнинг чек-чегараси йўқ эди. Аммо шодлигимиз кўпга чўзилмади. Бу жой кундан-кунга харобага айланиб, ҳар хил саёқ-у бекорчиларнинг "маскани"га айланиб борди. Бир неча йилдан буён кеч тушди дегунча шу яқин атрофда яшовчи ота-оналар хавотирга туша бошлайди. Ахир, бундай хунук манзаралар фарзандларининг тарбиясига салбий таъсир кўрсатмайди, деб ким кафолат бера олади?! Маҳаллага, участка нозирига қанча мурожаат қилмайлик фойдаси бўлмаяпти.

2 »

ДУНЁ СИЁСАТИ

ЕИ кенгаядими?

Германия канцлери Ангела Меркель ва Франция президенти Николя Саркози Берлинда учрашдилар. Учрашув чоғида улар икки томонлама муносабатларни янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилишди. Германия етакчиси Христиан демократик иттифоқи ёшлар бўлими фаоллари ҳузурида нутқ сўзлаб, Европа Иттифоқини бундан буён кенгайтиришдан фойда йўқ эканини таъкидлади. Унинг фикрича, иттифоқнинг кенгайиши бирлашманинг нормал фаолият кўрсатишига халақит бераяпти. Меркель Туркия — ЕИ муносабатларига ҳам тўхталиб ўтди. Унинг таъкидлашича, Анқара иттифоққа аъзоликка қабул қилинмайди, балки яқин ҳамкори бўлади.

Саркози ҳам худди шу фикрни тасдиқлади. "Европа Иттифоқини бошқа кенгайтириб бўлмайди. Биз Туркияга қуруқ ваъдалар беришдан ўзимизни тийишимиз керак", деди у.

(Дунё сиёсатига оид хабарларнинг давоми бешинчи саҳифада) 5 »

КЎЗГУ

БОЛА ЖИНОЯТЧИ БЎЛИБ ТУҒИЛМАЙДИ

Бирор ножўя ишга қўл урган шахс ҳақида сўз борганда энг аввало унинг болалигига, ёшлигига эътибор қаратилади. Бола ёшлигидан бебош эди, болалигида ҳам тарбияси оғир эди, — дейишади кўпинча.

Табиий савол туғилади: бола қандай қилиб бебош бўлиши мумкин? Аслида бундай бебошликнинг сабаби нимада? Бу нотўғри тарбия маҳсулими ёки оиладаги фарзандларга эътиборсизликми?

Сир эмаски, оилада фарзандга ота-оналар ҳали гўдаклигиданоқ нима мумкин-у, нима мумкин эмаслигини уқтиради. Масалан, меҳмон келганда улар ўтирган уйга кирмаслик, дастурхонга қўл чўзмаслик, катталар суҳбатига аралашмаслик ва ҳоказо. Тўғри, панд-насиҳатлар боланинг тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади, унинг одобли бўлишида ёрдам беради. Аммо фарзанд ўспирин ва йигитлик даврига ўтганда ҳам унга шундай талабларни қўйиш яхши натижа бермайди. Демоқчиманки, бола ёшига қараб тарбия қилинса мақсадга мувофиқдир.

Бола ўспиринлик даврида ниҳоятда таъсирчан бўлади. Тенгқурлари билан ўзини таққослаш, уларнинг ота-онаси, оиласини ва ўзининг оиласи, яқинлари билан солиштириш кучли бўлади. Агар ана шундай ички кузатувлари ижобий томонга бурилмаса, унда тушкунлик пайдо бўлади. Оиласидан ҳаловат топмаган ёки оила аъзолари билан келишмаган ўғил ва қизлар уйидан кетиб қолиши мумкин. Оқибатда бундай болалар кўча-кўйда ётиб юришади. Баъзан кўча-кўйда тиланчилик, дайдилик қилиб юрган болаларга кўзимиз тушади. Уларни кўриб афсусланамиз, албатта. Аммо бунинг сабаблари билан ҳар доим ҳам қизиқавермаймиз.

— Ёшим 11 да,— дейди ўзини Алим Сайфуллаевман деб таништирган бола. — Сирғали туманида яшар эдик. Оилада 2 нафар фарзандмиз. Иккита отадан туғилганмиз. Отам ташлаб кетган. Онам топган пулини ароққа сарфлар эди. Спиртли ичимлик ичиб келиб, бизни уриб, жанжал қилар эди. Мен 9 ёшимда уйдан қочиб кетишга мажбур бўлдим. Кўчада, ҳар кимнинг уйида ётиб юрдим. Одамлардан тиланиб пул, кийим-кечак сўраб олардим. Топган пулимга компьютер залларига бориб ётиш учун бошпана сўрардим.

5 »

ПУХТА БИЛИМ — ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Юқори ўринларни олган болалар танловнинг шаҳар босқичига тавсия этилди. Бундан ташқари, МТМ тарбияланувчилари ўртасида "Истиқлол юлдузчалари" мусиқа фестивали ташкиллаштирилди. Бунда тумандаги 27 та боғчадан вакиллар фаол иштирок этишди ва энг яхши мусиқий чиқиш соҳиблари фестивалнинг кейинги босқичига йўлланма олишди. Яқинда бўлиб ўтган шаҳар босқичида эса тумандаги 478-боғчанинг "Қалдирғоч" дуторчилар гуруҳи юқори ўринлардан бирини эгаллади. Биз шу масканнинг мудираси Дилором Обидова билан суҳбатлашдик.

— 6 ёшли болалардан таркиб топган тарбияланувчиларимиз миллий чолғу асбобимиз — дуторда шундай гўзал куйлар чалишдики, фестивал иштирокчилари гулдурос олқишлари билан уларни қўллаб-қувватлашди, — дея сўз бошлади Дилором опа. — Мусиқий гуруҳ раҳбари Холида Холматовани чинакамига болапарвар аёл дейиш мумкин. У ўргатган куйлар болаларнинг умрбод хотирасига муҳрланади, деб ўйлайман. Бундай тадбирлар эса фарзандларимизда санъатга ошуфталик ҳиссини юксалтиришда яхши самара беради.

Бола кўнглида борлиқ яширин. Фақат уни тўғри тарбиялаш, ойдин йўлга йўналтириш катталарнинг вазифаси, таъбир жоиз бўлса бурчидир. Биз тилга олаётган туманда эса бу бурчга масъулият билан ёндашилаётгани, тўғриси, бизни жуда қувонтирди. Мактабгача таълим муассасаларида алоҳида эътибор ва ғамхўрлик билан тарбияланган болалар эса умумтаълим мактабларида сабоқларни ҳеч қандай қийинчиликларсиз ўзлаштириши мумкин.

Энди эса узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғини ҳисобланган умумтаълим мактаблари тўхталсак. Айни пайтда тумандаги таълим масканларида жами 39926 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. 2008-2009 ўқув йилининг якунларига кўра, 9-синфни 4432 нафар йигит-қиз тамомлайди. Мактаб маъмурияти, психологлар ва ота-оналарнинг ҳамжиҳатликдаги фаолияти ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўла жалб этишнинг муҳим омили бўлиши шубҳасиз. Таълим даргоҳларида 224 нафар олий тоифали, 699 нафар I тоифали, 444 нафар II тоифали устозлар, 603 нафар мураббий меҳнат қилмоқда.

Ўқитувчилар меҳнатининг самараси шогирдлари эгаллаётган билимнинг нечоғли пухталиги билан белгиланиши шубҳасиз. Ўқувчилар орасида синов даврлари кўп. Улардан бири фан олимпиадалари ўтказиладиган пайтдир. Бу борада ҳам ўқувчилар юқори кўрсаткичларга эришмоқда.

Шуни айтиш керакки, туман ўқувчилари фан олимпиадалари натижасига кўра Тошкент шаҳри бўйича фахрли 4 ўринни эгаллашди. Шаҳар босқичига йўлланма олган ўқувчиларнинг 9 нафари юқори пиллапояларни забт эта олган. Бу ёмон кўрсаткич эмас, албатта.

Туман халқ таълими тасарруфидаги умумтаълим мактаблари фаолияти билан янада яқинроқ танишиш мақсадида 28-умумтаълим мактабига борганимизда бир ҳолатга гувоҳ бўлдик. Катта танаффус пайтида мактаб радиоузелидан биология фанига оид қизиқарли маълумотлар ўқиб эшиттирилаётган экан. Бир зум тўхтаб, уларга қулоқ солдик:

"Йиртқичлар ичида энг кичик юрак "ҳайвонлар шоҳи" шерга тегишли экан".

Қаранг, кўпчилик учун янги ва қизиқарли маълумот. Биз бу янгиликнинг ташкилотчиси билан суҳбатлашдик. Мактабнинг биология фани ўқитувчиси Зулфия Тоҳирова шундай деди: "Фан ойликларини янада самарали ўтказиш мақсадида мактаб директоримиз бошчилигида шу усулни жорий этдик. Мазкур қизиқарли маълумотларни ўқувчиларимизнинг ўзлари турли манбалардан қидириб, топиб келишади. Шу йўл билан ўқувчиларимизни кўпроқ китоб варақлашга, интернетдан мақсадли фойдаланишга ўргатмоқдамиз".

2007 йилда янгидан қурилиб, замонавий кўриниш касб ўтган мазкур мактабнинг кенг ва ёруғ хоналари энг сўнгги русумдаги жиҳозлар билан таъминланган. Лаборатория хоналари, ихтисослашган фан кабинетлари ва замонавий компьютерлар ўрнатилган информатика хонаси ўқувчилар ихтиёрида. Ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун ҳам барча шароитлар муҳайё. Айни кунларда мазкур таълим даргоҳида 2000 нафардан ортиқ ўқувчи-ёшлар таҳсил олишмоқда. Уларга 100 нафардан ортиқ ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда. Уларнинг кўпчилиги олий ва биринчи тоифали мутахассислардир. Ўтган йили "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" муносабати билан

ушбу илм маскани кимё фани ўқитувчиси Саида Низомова Юртбошимизнинг фармонига асосан "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Биргина 2007-2008 ўқув йилининг ўзида бошланғич синф ўқитувчиси Дурдона Эгамбердиева, немис тили фани ўқитувчиси Малоҳат Умаровалар "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этди. Мактабнинг 9-синф ўқувчилари Гулноза Пардаева ва Шарофат Жўраевалар фан олимпиадасининг шаҳар босқичида қатнашиб, билимдонларнинг ўзига хос беллашувида мактаблари, қолаверса, С.Раҳимов тумани шарафини муносиб ҳимоя қилишди.

Битта мактаб фаолияти ҳақида сўз юритиш билан, бутун туман халқ таълими бўлими фаолияти тўғрисида тасаввур пайдо қилиш мушкул, албатта. Шу боис, тумандаги 249-умумтаълим мактабига йўл олдик. Таълим маскани раҳбарияти берган маълумотга кўра, ўқув даргоҳи 1975 йилдан буён фаолият юритаётган бўлиб, У ўтган йили "Меҳр нури" фонди ҳомийлигида бутунлай қайта таъмирланган. Айни пайтда мактабда 2706 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Шундан 292 нафари бу йил тўққизинчи синфни битириб, ўрта махсус таълим муассасаларида таҳсилни давом эттиришади.

— Яқинда шаҳар миқёсида бўлиб ўтган китобсеварлар кўрик-танловида мактабимиз ўқувчиси Иброҳим Каримов юқори ўринлардан бирини эгаллади, — дейди фахр билан она тили ва адабиёт ўқитувчиси Дилором Зуфарова.

Турфа анвойи гуллар очилиб турган мактаб ҳовлисини кузатар эканмиз, айни шу лаҳзаларда катта танаффус вақти бўлганидан огоҳлантирувчи қўнғироқ чалинди. Биз эса пайтдан фойдаланиб, битирувчи синф ўқувчиларидан айримларини суҳбатга тортдик:

— Мен Тошкент давлат техника университети қошидаги академик лицейга ҳужжат топширмоқчиман, — дейди 9 "Г" синф ўқувчиси Мадина Содиқова. — Устозларим ёрдамида алгебра, физика фанларини чуқурроқ ўзлаштириб, имтиҳонларга тайёргарлик кўраяпман.

— Мен эса Тошкент молия институти қошидаги 2-сонли академик лицейда ўқишимни давом эттирмоқчиман, — дея суҳбатга қўшилди ўзини Дилдора Қосимова деб таништирган қиз. — Бизнинг пухта билим олишимиз учун ўзларининг бор имкониятларини ишга солиб, сабоқ бераётган устозларимдан чексиз миннатдорман.

Ҳа, шогирдларининг бундай эътирофига сазовор бўлиш ҳар бир устоз учун катта шарафдир. Бунга эришиш учун эса ўқувчиларнинг самимий меҳрига эришмоқ керак, назаримизда. Тумандаги 243-умумтаълим мактаби устоз-мураббийлари ҳам бу йўлда ҳаракат қилмоқдалар. Ушбу илм даргоҳининг миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фани ўқитувчиси Маъмура Ибрагимова ана шундай изланувчан педагоглардан биридир. У яқинда Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли китоби асосида мактаб ёшидаги болалар учун ўн соатлик дарс ишланмасини яратди ва бу ишланма бутун республика таълим муассасаларига татбиқ қилинди.

— Бу йил мактабимиз республика миқёсида ўтказилган "Таълим муассасаларида намунали тарбия жараёнини ташкил этиш" мавзусидаги кўрик-танловда биринчи ўринни эгаллади. Фикримча, таълим самарадорлигига эришишнинг биринчи шарти комил тарбияга эришишдир. Шу маънода, ўқув даргоҳимизда ҳам таълим, ҳам тарбия жараёнини бир маромда олиб боришга интилаяпмиз, — дейди М. Ибрагимова.

Давр билан ҳамнафаслик, янги ўқув методикаларидан оқилона фойдаланиш ва ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш йўлидаги сафарбарлик тумандаги барча мактабларда ҳам яхши йўлга қўйилгани бу ерда ёш авлод тарбияси йўлидаги жонбозликдан далолатдир.

— Ўқувчиларимизнинг шаҳар ва республика даражасидаги фестиваль ҳамда танловлардаги иштироклари ҳам муваффақиятли бўлаяпти, — дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича туман халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Моҳира Сафоева. — Мисол учун, ўтган йили "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичида қатнашган 196-умумтаълим мактабимиз ўқувчиси Ҳожиакбар Шомансуров яратган тасвирий санъат намуналари ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

Ҳа, бугун меҳр билан парваришланган кўчат эртага албатта, ўз мевасини беради. Норхўжа ака Раҳимхўжаев раҳбарлик қилаётган Собир Раҳимов туман халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим ўчоқларининг катта жамоаси ёш авлод камолоти йўлидаги саъй-ҳаракати, жонкуярлиги юртнинг эртаси, истиқболи учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Элбек ЖУМАНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

КЎПРИКДАГИ ТОМОША

(Бошланиши 1-бетда.)

Биз ушбу ҳудудга тегишли "Маданият" маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Гулнора Аширбоева билан ана шу хусусда суҳбатлашдик.

— Бу масалада шаҳар ҳокимига хат билан чиққанмиз, ёрдам бериб қолишар балки, — дея мавҳум жавоб берди Гулнора опа.

Ушбу масалада участка нозирининг фикрини билиш мақсадида ортга қайтар эканмиз, кўзлари олма-кесак тераётган уч-тўрт нафар тоғни урса талқон қилгудай йигитларнинг содда одамларни алдаб катта кўчада қимор ўйнаётганига дуч келдик. Бундай фирибгарларнинг ёнидан ўтар экансиз, наҳотки бундай кимсаларнинг танобини тортиб қўядиган ҳеч ким топилмаса, деган фикрга борасан киши.

Ана шундай томошалардан эллик қадам нарида "Муқимий" маҳалла фуқаролар йиғини идораси ва участка нозирининг хонаси бор... Ўзини милиция капитани Ғайрат Эгамбердиевман деб таништирган нозир билан саломлашгач, муддаога ўтдик.

— Дарвоқе, спорт мажмуасидаги "фаолият" юзасидан фуқаролар мурожаат қилишганди. Ҳозирча қонун бузувчиларни аниқлаганимиз йўқ. "Лоторея" ўйнаётганларга бас келиб билмаяпмиз, ҳатто бир марта "иш қуроллари"ни тортиб ҳам олдик, — дея қўлида антиқа идишчаларни кўрсатган бўлди милиция капитани Ғайрат Эгамбердиев.

Начора нозирнинг "машаққатли" ишига омад тилаб хайрлашдик.

Яна бир ҳунук манзара. Пиёдалар учун мўлжалланган эни бор-йўғи 5-6 метр бўлган кўприк устида бозор қайнайди. Кўприк-бозорда "Маҳсулот арзон, лекин сифатига кафолат йўқ" деган тамойил асосида гўё сотувчилар мусобақа олиб бораётганга ўхшайди. Мақоламиз аввалида батафсил тўхталмоқчи бўлганимиз, яъни маҳалла билан шаҳарни боғловчи ана шу кўприк ва унинг "хусусиятлари" хусусида энди гаплашсак.

Табиийки, кўприкдан ҳар куни минглаб одамлар у ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа ўтишади. Эрталаб ишга, кечқурун уйга дегандай. Одамлар билан тирбанд кўприк устидаги "бозорда" анқонинг уруғидан бошқа ҳамма нарса бор десак муболаға бўлмайди. Бу бозор тўғрисида кўпчилик билади. Ишқилиб, кўприкдаги бозор дунё тургунча турсин дегувчилар ҳам йўқ эмас. Негаки, бу бозорда савдо қилувчилардан патта сўрашмаса керак, менимча, ҳартугул ҳеч кимнинг патта йиғиб юрганини кўрмаганман. Ҳа, албатта, бу жойни солиқ, милиция ходимлари, шаҳар ҳокимлиги яхши билади. Лекин нимагадир индашмайди.

Биз шу масала, яъни нима учун ҳеч ким индамагани қизиқтиради. Гулистондек катта шаҳарда ҳеч қандай тартиб-қоидага амал қилмаётган, маҳсулотининг ҳеч қандай кафолати йўқ, одамларнинг юриши учун ноқулай антисанитар жойда антиқа "бозор" фаолият кўрсатсаю, бирор мард эътибор бермаса? Буни қандай тушуниш мумкин? Гулистон шаҳар солиқ инспекцияси, қўйингки, шаҳардаги бошқа мутасадди идоралар қаторида шаҳар ҳокимлигидаги жаноблар бепарво эканлар, балки буни вилоят ҳокимлигидаги раҳбарлар тушунтириб беришар.

Аъзам РУСТАМ,
журналист.

ҲА-ЁТ

ЯХШИЛИККА ЁМОНЛИКМИ?

— Биз Ғиждувон туманининг Косакент қишлоғиданмиз. У ерда ҳамқишлоқларимиз билан келиша олмагач, бу ерларда саргардон бўлиб юрибмиз. Сиздан илтимос, бўш турган дала ҳовлингизни бизга ижарага бериб туринг. Ёш болаларимиз билан кўчада қолдик. Дала ҳовлингиздаги барча юмушларни ўзимиз эплаймиз...

Бу гап-сўзлар 2005 йилда бўлиб ўтганди. Рашид Сафаров оғироёқ хотини Сафия Жўраева ҳамда икки нафар ёш боласини етаклаб келиб Олимжон Мирзаевни роса авраганди ўшанда. Қоп-қоп ваъдалар бериб, дала ҳовли соҳибининг бошини айлантирган, оқибатда унинг дала ҳовлисига жойлашганди. Оғзаки келишувга кўра, Рашид Сафаров бу ердаги ишларни бажариши — дарахтларга қараши, ерни чопиб, у-бу экинлар экиши, тайёр бўлган ҳосилни, дарахтлардаги меваларни ўз эҳтиёжига ишлатиши, дала ҳовли учун тўланиши лозим бўлган солиқ ва бошқа тўловларни ўзи тўлаши лозим эди. Бошпана берган Олимжон ака эса юқоридагиларни ҳисобга олиб, оиладан ижара ҳақини олмасликка келишган эди. Ваҳоланки, бу пайтда Олимжон ака Мирзаевнинг Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги Навбаҳор қишлоғидаги дала ҳовлисини асалари боқувчилар ойига 20-30, ҳатто 50 минг сўмдан пул тўлаб туриш шарти билан ижарага олиш учун илтимос қилиб юришганди. Аммо Олимжон ака Рашид Сафаровнинг гап-сўзларига учибми ё унинг норасида болаларига раҳми келганиданми дала ҳовли дарвозасининг калитини уларга топширди.

Дастлабки ойларда (2005 йил) Рашид ҳовлида бироз иш қилгандай бўлди. Аммо кейинги йиллардан бошлаб уни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Кейинчалик у дала ҳовлига қўшимча иморатлар қуриш учун Олимжон Мирзаев томонидан олиб келинган тахта, эшик, ром, шифер ва бошқа қурилиш ашёларини сотишга тушди. Бу ердаги турли қурилишбоп ёғочларни эса ўтин қилиб ёқиб юборди. Қаровсизликдан қуриган мевали дарахтларни эса кесиб, ўтин қилди. Хуллас, мевали дарахтлар-у, гулзорлар пайҳон этилиб, чиройли дала ҳовли вайронага айлантирилди.

Бу бемаъниликни кўрган Олимжон ака юмшоқлик билан Рашиддан ҳовлини бўшатишни сўради. У тилёғламачиликда пихини ёрганлардан эмасми, хонадон соҳибини яна аврашга тушди: "Тушундим, ака! Йўқолган нарсаларингизни топиб жойига қўйишимиз учун вақт беринг. Хабарингиз борми-йўқми, мен ҳозир Жаҳонгир ака деган одамнинг дала ҳовлисида дарвозабон бўлиб ишлаяпман. Шунинг учун қўлим ишдан бўшамаяпти. Ўзим у ерда қолганимда болаларимни сизнинг дала ҳовлингизга юбориб турибман..." Олимжон Мирзаев шунчалар соддадил одам эканки, Рашиднинг бу гап-сўзларига ҳам ишонди.

Шу тарзда орадан уч йил ўтиб кетди. Рашиднинг "эртаэртаси" ҳеч тугамасди. Ахийри, сабр косаси тўлган ҳовли эгаси "Бу ерни ҳозироқ бўшатиб қўй" деб кескин талаб қўйганида Рашиднинг нияти ошкор бўлди. У мазкур дала ҳовлининг тўловларини уч йилдан бери тўлаб келаётганини, бу ерда шунча вақт текинга меҳнат қилганини, шу атрофдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари билан опоқ-чапоқ бўлиб олгани-ю, улар ёрдамида дала ҳовлини ўз номига ўтказиб олганини айтди. Бу гап-сўзларнинг 75 ёшли Олимжон акага қандай таъсир этишини бир кўз олдингизга келтиринг. Шундан кейин (ўтган йилнинг 18 августида) Олимжон ака Рашид Сафаров ва унинг оила аъзоларини дала ҳовлидан чиқариш тўғрисида Паркент туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилади. Кейин ўтган йилнинг 15 ноябрида фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят Чирчиқ туманлараро судига мурожаат қилди. Дастлаб судья Мираҳмад Ҳамдамов "иш"га совуққонлик билан ёндашади. Бундан қониқмаган Олимжон ака суд раисига қайта мурожаат қилгач, "иш" бошқа судья — Гўзал Турсунметовага ўтказилади. Суд дала ҳовлидан жавобгар Рашид Сафаров ва унинг оила аъзоларини мажбурий кўчириш ҳақида қарор қабул қилади. Қарор кечиктирилмай ижро этилди. Бугун 75 ёшдан ошган Олимжон аканинг кайфияти чоғ.

Матёқуб НАРЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ҚАҲРАМОН ШОИРНИНГ ЮБИЛЕЙИ

Кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсуповнинг 80 йиллик юблейига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фахрий раиси Абдулла Орипов очар экан, Ибройим Юсупов улуғ шоиригина эмас, қорақалпоқ китобхонларини жаҳон адабиётининг дурдоналари билан яқиндан таништирган моҳир таржимон эканини, жумладан, Алишер Навоий, Шекспир, Гёте, Байрон, Саъдий, Пушкин, Махтумқули, Шевченко, Самад Вурғун, Ғафур Ғулом каби мумтоз шоирлар асарларини қорақалпоқ тилига юксак маҳорат билан таржима қилгани хусусида тўлқинланиб гапирди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Қорақалпоғистон халқ шоираси Гулистон Матёқубова ва бошқалар сўзга чиқиб, шоирнинг шеърлари, достонлари, драмалари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан шоирнинг таваллудига бағишлаб чоп этилган «Менинг йигит вақтим – сенинг қиз вақтинг» номли шеърий китоби ижодкорларга тақдим этилди.

Адиба УМИРОВА,
"Hurriyat" мухбири.

ЁШ АВЛОД КАМОЛИ ЙЎЛИДА

Маълумотларга қараганда, жорий ўқув йилида республика бўйича 594 минг 606 нафар ўқувчи умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлайди. Айни кунларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази томонидан битирувчиларнинг барчасини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш борасида чора-тадбирлар кўриляпти. Жумладан, жорий йилнинг ўзида мамлакатимизда 174 та ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаси ташкил этилди. Шуларнинг 9 таси академик лицей, 165 таси эса касб-ҳунар коллежларидир.

Яқинда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ўтказилган матбуот анжуманида шу ва таълимга оид бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр юритилди ҳамда соҳада ечимини кутаётган долзарб масалалар муҳокама этилди.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ДИРЕКТОРЛАР БЕЛЛАШДИ

Яқинда Жиззах вилояти Мирзачўл тумани халқ таълим бўлими ва касаба уюшмаси ходимлари мактаб директорлари ўртасида спорт мусобақасини ташкиллаштирди. Унда халқ таълими тизими ишчи-хизматчиларининг "Зиё" ҳамда тумандаги 22 та мактаб директорларидан ташкил топган гуруҳлар куч синашди. Беллашувлар спортнинг 5 тури, жумладан 100 метрга югуриш, эстафетали югуриш, арқон тортиш, шахмат ҳамда волейбол турлари бўйича ўтказилди.

Аъзам ХЎЖАҚУЛОВ,
"Hurriyat" мухбири.

НОҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТИ УЧУН...

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Хоразм вилояти бошқармаси ходимлари "Ҳазорасп буюм бозори" очиқ акциядорлик жамияти ҳудудида хуфя қассобчилик фаолияти билан шуғулланиб, жиноий даромад орттираётган Зокир Ғофуров исмли сохта тадбиркорни аниқлади. Бу шахс 2005 йилнинг бошларида Ҳазорасп тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан якка тадбиркор сифатида гувоҳнома олган. Лекин ўша йилнинг 1 июнь куни туман давлат солиқ инспекциясига ариза ёзиб, фаолиятини вақтинчалик тўхтатганини маълум қилган. Аммо қассобчиликни давом эттириб, аҳолига тўрт йил мобайнида 589 миллион 145 минг сўмлик гўшт сотган ва 3 миллион 322 минг сўмликдан зиёд солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб, хуфя даромад орттириб келган.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЭЪЛОН

ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРМОҚЧИ БЎЛГАН ТАДБИРКОРЛАР, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА !

Бухоро шаҳрининг И. Мўминов кўчасидаги «Агробанк» ОАТБ (собиқ ОАТБ «Пахтабанк») Бухоро вилоят бошқармасининг биноси сотувга қўйилмоқда. Бино цоколь билан 3 қаватли қилиб қурилган, жами фойдали майдони 1273 м², шу жумладан, цоколь қавати 305 м², биринчи ва иккинчи қаватларнинг ҳар бири 484 м² дан. Бинонинг умумий ҳажми 4532 м³, шундан 854 м³ цоколь қаватининг ҳажми. Умумий ер майдони 1650 м². Бино 1997 йилда қурилган, конструкциялари ва элементларининг техник ҳолати аъло даражада.

Мўлжал: ёпиқ бозор ёнида.

Мурожаат учун телефонлар:
Бухорода — 770-02-44, 223-85-53
Тошкентда — 150-53-37, 150-53-78

ОҒРИҚ

ОДАМ САВДОСИ — дунёни ўйлантираётган муаммо

Инсоният XXI асрга қадам қўйди. Ишлаб чиқаришда ва техника оламида беқиёс ютуқларга эришилди. Одамзот тафаккури кўплаб янги билимларни ўзлаштирди. Дунё ҳамжамиятида демократик қадриятлар қарор топди ва давлатлар томонидан изчил ривожлантирилмоқда. Инсоният тараққиёти натижасида давлатчилик ва ҳуқуқ соҳасида ҳам кўплаб ижобий ўзгаришларга эришилганини таъкидлаш лозим. Шу билан бирга, дунёда глобаллашув жараёни ҳам тобора кенгроқ намоён бўлмоқда. Бу жараёнда жаҳон мамлакатлари олдида халқаро муносабатларда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий, илм-фан, таълим соҳаларида ҳамкорлик қилиш, умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ муаммоларни биргаликда ҳал этиш муҳим аҳамият касб этаяпти.

Жамиятнинг ривожланиши натижасида ижобий ютуқлар билан бир қаторда инсоният учун хавфли бўлган янги кўринишдаги иллатлар ҳам пайдо бўлмоқда. Шу иллатлар боис айрим трансмиллий жиноятларнинг ортишини кузатиш мумкин. Трансмиллий жиноятларнинг кенг тарқалган турларидан бири бу — одам савдоси ҳисобланади. Бугунги ривожланган асрда бу каби инсониятга оммавий хавф туғдирувчи жиноятлар билан умуман муроса қилиб бўлмайди. Ушбу турдаги жиноятларнинг юртимизда ҳам содир этилаётгани ачинарлидир. Мазкур иллат шуниси билан хавфлики, унинг жабрланувчилари кўп ҳолатларда ўз юртидан узоқда, жамиятнинг турли маънавий ёрдамисиз жиноятчиларнинг ўлжасига айланиб қолади ҳамда шахснинг ҳаёти ва соғлиғига шикаст етади. Натижада нафақат инсоннинг эрки, балки соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати ҳам топталади.

Шунингдек, одам савдосидан келадиган даромад бошқа турдаги жиноятчиликнинг ривожланишига ҳам манба бўлади. Бунга ўхшаш жиноятлар оммавий равишда мустамлакачилик сиёсати ривожланган давр — XVIII-XIX асрларда кенг тарқалган бўлса, бугунги кунга келиб, пинҳона, айрим қора кучларнинг ғаразли манфаатларини қондириш мақсадида содир этилмоқда. Унинг яна бир хавфли жиҳати шундаки, ҳозирги даврда бутун дунёда, жумладан, Бирлашган Араб Амирлиги, Туркия, Малайзия, Бахрайн, Таиланд, Хитой, Исроил ҳаттоки, океан ортидаги давлатларда ҳам одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий уюшмалар ёки жиноий гуруҳларнинг фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай йўллар мавжуд бўлиб, улар ўз олдига алдаш йўли билан ёлланган, кейин сотиб юборилган, (сотиб олинган) инсонларни шаҳвоний хизматлар кўрсатишда, машаққатли меҳнатларда текинга ёки жуда паст тўловларда ишлатишни мақсад қилиб қўяди. Одам савдоси муаммоси бугунги кунда нафақат ривожланаётган давлатлар, балки ривожланган мамлакатларда ҳам ўз ечимини топмаяпти ва инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда одам савдосига қарши курашни кучайтириш, ушбу турдаги жиноятларнинг содир этилишига қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида 2008 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун одам савдосига қарши курашишнинг махсус тартибини белгилайди, шунингдек, одам савдосига қарши курашни ҳуқуқий мустаҳкамлайди, масъул давлат органларнинг доираси ва ваколатларини белгилайди, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш чоралари, жабрланганларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларга бериладиган бошқа кафолатлар мустаҳкамланган. "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингани муносабати билан эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида қарор қабул қилинди. Унга мувофиқ Жиноят кодексининг шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар деб номланган VI боби 135-моддаси "Одам савдоси" деб қайта номланди ҳамда одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бунинг яққол далилидир. Мазкур қарор билан республикамизда 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича миллий тадбирлар режаси тасдиқланиб, мазкур жиноятга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тузилди.

Мамлакатимизда қонунга мувофиқ, "Одам савдоси — куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг бошқа шаклларини, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади".

Ушбу турдаги жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳар хил бўлиб, турли мамлакатларда турличадир. Айрим мамлакатлардан яхши ҳаёт излаган инсонлар кўпинча жиноятчиларнинг тузоғига осон илинадилар ва жиноятчилар уларнинг ночор аҳволидан фойдаланиб одамларни чув туширади.

Ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фақатгина ваколатли давлат органларининг вазифаси бўлмасдан, балки барча давлат органлари ва нодавлат ташкилотларининг ҳам вазифаси бўлиши керак, албатта. Шак-шубҳасиз бундай жиноятлар келиб чиқишининг олдини олишда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгининг юқори бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Абдуқаҳҳор МУЛЛАЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг магистранти.

Таҳририятга хатлар

УЛАР ҲАҚИДА КЎПРОҚ ЁЗИЛСА...

1922 йили Тошкентда ташкил этилган "Кўмак" уюшмасининг ташаббуси ва бошқа ташкилотларнинг амалий ёрдами билан Туркистон ва Бухородан 70 га яқин ўқувчи Германияга ўқишга юборилган эди. Улардан бири 1901 йилнинг 29 майида Тошкентнинг Эгарчи маҳалласида туғилган Абдуваҳоб Муродий бўлган. У Германиядан 1928 йилда қайтиб келиб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тажриба станциясида директор ёрдамчиси вазифасида ишлай бошлайди.

Европанинг етук олимларидан илм ўрганган, ақл-фаросатли, энг асосийси, маҳаллий миллатга мансуб мутахассиснинг пайдо бўлиши, албатта, мустамлакачиларнинг ошига заҳар солишдан ҳам ёмонроқ эди. Табиийки улар бунга чидаб тура олишмади ва бошқаларнинг онгини "заҳарлаб" қўйишидан чўчиб, А.Муродийни дарҳол ҳибсга олдилар. Туҳмат қилиб, халқини жонидан севган инсонни "миллатчиликда" айблашди, суд қилишди ва дом-дараксиз йўқотиб юборишди. Германияда ўқиб келган бошқа 70 кишининг тақдири ҳам худди шундай, ҳаттоки бундан-да аянчлироқ қисмат билан якун топди. Мустақиллик туфайлигина бу инсонларнинг номи қайта тикланди. Менимча, уларнинг номи, қилган ишлари бугун матбуотда кўпроқ ёритилиши керак. Бу бугунги ёш авлодни истиқлол руҳида тарбиялашда жуда керак.

Турсунали ЮСУПОВ,
Фарғона вилояти.

СУД ИШНИ ПАЙСАЛГА СОЛМОҚДА

1990 йили Пайариқ туманининг "Деҳқонобод" маҳалласига қарашли Одилов қишлоғи ҳудудидан менга якка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратиб берилган эди. Уй-жой қуриш учун имкониятимиз бўлмагани сабабли ундан вақтинча экин экиб фойдаланиб келаётган эдик. Лекин қариндошимиз Бахтиёр Нарзуллаев ерга ўзбошимчалик билан иморат қуриб олди. Ундан уй-жойни қуришни тўхтатишини сўраганимизда: "Бирор жой топгунимга қадар уй қуриб, оилам билан яшаб турайлик, сўнг сизлар билан келишиб, уй-жойни бериб кетамиз", деди. Унинг бу гапига ишониб, индамасдан юрдик. Лекин Бахтиёр Нарзуллаев қайсидир йўллар билан 2008 йилнинг 25 январь куни Пайариқ тумани ҳокимининг иморатга эгалик ҳуқуқини берувчи қарорини чиқартириб олибди. Энг қизиғи, у ушбу қарор асосида жойни ўз номига расмийлаштириб, фуқаро Умид Равшановга 2008 йилнинг 1 февраль куни сотишга ҳам улгурибди. Биз эса бехабар қолиб кетаверибмиз. Албатта, ноқонуний қилинган иш барибир фош бўлади. Шундай бўлди ҳам. Аммо бизни ҳуноб қилаётган нарса, гарчи қонун биз томонда бўлса ҳам Пайариқ туман фуқаролик суди негадир бу ишни пайсалга солаяпти. Наҳотки, ўзимизга тегишли ерни қайтариб ололмасак?

Ойзода ТУРСУНОВА,
Самарқанд вилояти.

АДВОКАТ ҚОНУННИ БУЗДИ

1962 йили Нукус шаҳрида туғилган, олий маълумотли ҳуқуқшунос Бозорбой Туреев Нукус шаҳри фуқароси Гулмира Шонгараева билан унинг акаси Жанбўлсин Шонгараев ўртасидаги низоли жой масаласи бўйича юридик маслаҳатлар беришга ва суд йиғилишида унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга келишиб олади. Ҳуқуқшунос қилинажак хизмати эвазига олдиндан 450.000 сўм пул ҳам олади. Аммо амалда мижозига ҳеч қандай ҳуқуқий ёрдам кўрсатмайди. Аксинча, адвокатнинг ўзи адолат тарозисини бузиб, Г.Шонгараевага тегишли бўлган Нукус шаҳри П.Саитов кўчаси 2 "а" уй 22-хонадонни ўзлаштириб олишга ҳаракат қила бошлайди: яъни у ушбу хонани ўзининг "BMV-518" русумли автомашинасига алмаштиришни таклиф этади. Бу саъй-ҳаракати билан ҳуқуқшунос Бозорбой Туреев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддасининг 1-бўлимида назарда тутилган жиноятни содир этишда гумон қилиниб, шу йилнинг 27 январь куни судга чақирилди. Очиқ суд йиғилишида ярашиш институти талабларидан келиб чиқиб, даъвогар ва судланувчининг ўзаро ярашгани, судланувчи адвокат пайтида олган 450.000 сўм пулни эгасига тўлиқ қайтариб бергани ва кечирим сўрагани, даъвогар уни кечиргани инобатга олинди ва жиноий иш ҳаракатдан тўхтатилди. Бу кечирим ҳамда адолатли қарор адвокатга ва у кабиларга сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Ғиёс ЁҚУБОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси.

Омонат (депозит) номи	Муддати	Йиллик фоиз ставкаси
МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР:		
Талаб қилиб олингунча	муддатсиз	5%
Мақсадли	муддатсиз	1%
Кредит таъминот	муддатсиз	5%
Болалар мақсадли	10 йил	22%
Сармоя	9 ой	14-22%
Тақдим этувчига	4 ой	18%
Фойдали	6 ой	18%
Ипотека	муддатсиз	1%
Саховат	3 ой	18%
Фидойи	1 йилдан кам бўлмаган	25%
Наврўз туҳфаси	1 йилдан кам бўлмаган	24%
КВ-1	1 ой	18%
Маиший хизмат тўловига	2 йилга	22%
Танлов	6 ой	18%
Саломатлик	3 ой	18%
Ғаройиб	1 ой	18%
Кўклам	2 ой	18%
Ажойиб	3 ой	18%
Шодиёна	3 ой	18%
Капитал плюс	6 ой	18%
Ниҳол тақдим этувчига	18 ой	18%
Омад	18 ой	18%
Мадад-1	3 ой	18%
Мадад-2	4 ой	18%
Мадад-3	6 ой	18%
Мадад-4	9 ой	18%
Янги йил совға	6 ой	30%
Тараққиёт-2	2 йил	25%
Тараққиёт-3	3 йил	27%
Тараққиёт-5	5 йил	30%
ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР:		
Талаб қилиб олингунча	муддатсиз	2%
Муддатли	1 йилдан кам бўлмаган	6%
Капитал (АҚШ долларида)	6 ой	4%
Тақдим этувчига талаб қилиб олингунча	муддатсиз	1%
Имконият (тақдим этувчига)	18 ой	7%
Мультивалютали	18 ой	5%
Янги йил совға	6 ой	12%

ОМОНАТЛАРГА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

"Ўзсаноатқурилишбанк"да сақланувчи аҳоли омонатлари "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди" томонидан кафолатланган.

Мурожаат учун телефон: (8 371) 120-45-24, www.uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган №17

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

ДИЛ СЎЗИ

Ёшларнинг севимли устози

Журналист бўлишни орзу қилган аксарият мактаб ўқувчиси ёки битирувчиси, албатта, газеталарда ўз ижоди билан иштирок этиши лозимлигини яхши билади. Шу боис улар ёзганларини таҳририятга жўнатадилар. Чоп этилса, табиийки, хурсанд бўладилар. Чоп этилмаса-чи? Қораламаларда айрим камчиликлар, хусусан, фикрнинг тарқоқлиги, нотўғри ёки текширилмаган ахборотнинг мавжудлиги ва бошқа сабабга кўра кўпгина машқлар газета юзини кўрмай қолиб кетади. Бундай пайтда ёшлар яшаш жойларига яқин бўлган таҳририятларга интиладилар.

Журналистикага ҳавасманд шундай ўқувчилардан бири 1983 йили қимтиниб-симтиниб, Самарқанд туманининг «Шарқ тонги» газетаси таҳририятига кириб борганини бошқа ҳамкасблар каби яхши эслайди. Албатта, муҳаррирнинг эътибори ўзига хос бўлади. Агар у ёшлар билан ишлашни яхши кўрса, талабгорнинг имкониятлари кенгаяди. Шу билан бирга, ўша ниҳол таҳририятда нисбатан яхши ёзадиган ва жамоада ўзига хос ҳурмат-эътиборда бўлган, энг асосийси, боланинг мусаффо кўнгли қабул қиладиган журналистни устозликка танлайди. Бу табиий жараёндир. Қолаверса, мурғак қалбни сохта мулозамат билан ром этиб бўлмайди. Камина, яъни «ўқувчи-мухбир» бу борада тажрибали ва навқирон журналист, «Шарқ тонги» газетаси бўлим мудири Холиқ Ҳакимовни танлагандим.

Болалик хотираларига бериладиган бўлсам, бунинг биринчи сабаби, Холиқ ака ёш ва серҳаракат маҳсул журналист эди, газетада таҳлилий-танқидий мақолалари кўп чоп қилинарди, ёзганларини радиода ҳам узлуксиз ўзи ўқиб борарди. Хушқомати, хушсурати, ёқимли овози, атрофдагиларга илиқ муносабати – очиқлиги ва хушчақчақлиги ҳам биринчи сабабдан кам эмас эди, назаримда.

Яхши эслайман, бир куни хабаримни кўтариб таҳририятга кириб борганимда, Холиқ ака «машинистка»нинг ёнида ўтириб, материални «диктовка» қилаётган экан. Эшик ортида бу қизиқарли жараённи кузатиб турдим. У терувчи қиз улгурсин деган маънода аҳён-аҳёнда атрофга назар ташлаб қўярди. Менга кўзи тушгач, имлаб ёнидаги стулга таклиф қилди, матнни худди радиода ўқигандек равон «диктовка» қилишда давом этди. Тугатиб, менга юзланди-да:

— Қандай янгилик олиб келдингиз? — деди.

— Бригаданинг бир аъзоси бошқаларга нисбатан кўп пилла етиштирибди, шуни ёзгандим, — жавоб бердим иккиланиб. Қўлёзмани олиб, танишиб чиққач:

— Яхши. Эртанги сонга хушхабар етмай турганди. Бирдан тайёрлаб туширамиз, — дея машинисткага ўгирилди-да, сарлавҳасини айтди. Унинг оғзидан чиқаётган баъзи сўзлар нотаниш, аниқроғи ёзган матнимда йўқ эди. У қўлёзмани ўқиш билан бирга, биратўла таҳрир қилаётганини ҳис қила бошладим. Негаки, бу ҳолдан ҳайратга тушганим, мен ҳам шу кишидай журналист бўла оларманми, деган хаёлларга берилганим ҳамон ёдимда. Янгилик эртаси куни газетада чоп этилди. Хабари тезкорлик билан эълон қилинган «ўқувчи-мухбир»дан кўра, заҳматкаш пиллакорнинг хурсандчилигини кўрсангиз эди.

Холиқ Ҳакимов СамДУнинг ўзбек ва тожик филологияси факультетининг кечки бўлимида ўқиш билан бирга туман газетасида ишлаб, журналистика тилсимларини ўрганди, қалами ўткир журналист сифатида танилди. У 1991 йилгача «Шарқ тонги» газетасида аввал мухбир, кейин бўлим мудири вазифасида ишлади. Юқорида унинг бетакрор овози ҳақида қисман сўз юритган эдик. Самарқанд туманидан Тайлоқ тумани ажралиб чиққач, Холиқ ака Тайлоқ туманида янги ташкил этилган радиоэшиттиришлар таҳририятида фаолият кўрсатди. 1993 йилдан буён эса Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясида муҳаррир лавозимида ишлаб келмоқда.

Холиқ Ҳакимов қишлоқ хўжалигини ёритиш борасида катта тажрибага эга, бошқача айтганда, қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашган тажрибали журналистдир. Унинг мамлакатимиз миқёсида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларга бағишланган «Қишлоқ ҳаёти», «Қишлоқ мулкдори», «Деҳқон ва замин», «Замин саховати», «Умр мазмуни» каби кўрсатувлари телетомошабинлар эътиборига тушган. Унинг «Зарафшон» нашриётида чоп этилган «Даштда тўй» публицистик асари ҳам ўзининг севимли мавзусида битилган ўқишли китоб бўлди.

Ўз умрини журналистикага бағишлаган бу инсон ҳамон ёшларга ўрнак бўлиб, ижодини давом эттирмоқда.

Ҳалим САИДОВ,
журналист.

ТАБИАТГА НОПИСАНДЛИК

Конституциямизда ер, ер усти ва ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа бойликлар умумхалқ бойлиги ҳисобланиши, улардан тежамкорлик билан фойдаланиш зарурлиги қайд этилган. Аммо бунга ҳаммамиз бирдек амал қилаяпмиз, дейишимиз қийин. Чунки она табиатга очиқдан-очиқ тажовуз қилаётган юртдошларимизни тез-тез учратмоқдамиз. Жумладан, Пастдарғом туманидаги 98-умумтаълим мактаби директори Ўктам Тошев ҳам мактаб ҳудудида ўсиб турган теракларни қирқтиришга жазм этганида, бу борада обдон ўйламаганини айтиб ўтишимиз мумкин. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси ҳамкорликда ўтказган кузатув — рейд чоғида мазкур мактаб ҳовлисида диаметри 12,1 сантиметрдан 16 сантиметргача бўлган 36 туп терак ҳеч қандай рухсатсиз, ўзбошимчалик билан қирқилгани ва оқибатда ўсимликлар дунёсига 721152 сўм миқдорида зарар етказилгани аниқланди.

Балки Ўктам Тошев теракларни қирқтирётганида ўз манфаатини кўзламагандир. Лекин, наҳотки, мактаб директори амалдаги қонунларимиз талабларидан бехабар бўлса? Қолаверса, дунё миқёсида экологик вазият анча кескинлашиб турган бугунги кунда табиат неъматларини нобуд этиш инсоний фазилатларга тўғри келармикин?

Дилмурод РЎЗИБОЕВ,
Шокир ЭРГАШЕВ
"Зарафшон" (Самарқанд),
05.05.2009 йил.

ҲУДУДИЙ НАШРЛАРДА

БИРИ – МАРҲУМ, БИРИ – МАҲКУМ...

Вилоят шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимига юрагига пичоқ санчилган бир йигитни олиб келишди. Врачлар бор маҳоратини ишга солиб, унинг чап кўкрак қисмини операция қилишди. Натижада у омон қолди ва етти кундан кейин врач назоратида бўлиш шарти билан уйига кетишга рухсат берилди.

Операциянинг эртаси куни эса йигитнинг кўксига пичоқ санчган Ғанижон Бобожонов ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ушланди.

Аслида Ғанижон ва Аҳмедлар ҳам синфдош, ҳам қўшни ўртоқлар эди. Улар ўша воқеа содир бўлган куни ҳам бирга улфатчилик қилишган. Лекин спиртли ичимликни меъёридан кўпроқ истеъмол қилишгач, ўрталарида низо чиқди. Оқибатда жаҳл отига минган Ғанижон қўлига пичоқ олиб, дўстининг чап кўкрагига санчди. Қонга беланган Аҳмед ўз уйи остонасигача зўрға етиб келгач, ҳушидан кетди.

...Аҳмед касалхонадан чиққанидан озроқ фурсат ўтгач, ўзини яхши ҳис қила бошлади ва шифокорларнинг маслаҳатларини унутди. Натижада яна ҳушидан кетди. Уни касалхонага келтиришди аммо, бу сафар врачлар ожизлик қилишди. Аҳмед мияга қон қуйилиши оқибатида ҳаётдан кўз юмди...

Қаранг, оддий улфатчилик, ичкиликбозлик оқибатида икки дўстнинг бири марҳумга, иккинчиси маҳкумга айланди.

Меҳри ИСМОИЛОВА,
"Хоразм ёшлари"
30.04.2009 йил.

ТОЗАЛИК ЎЗ УЙИМИЗДАН БОШЛАНАДИ

Ўз уйимиз ва ҳовлимиз, қолаверса турар жойимиздаги кўча, гузар ва маҳалланинг кўркам, обод бўлганига нима етсин? Чаман бўлиб очилган ранг-баранг гуллар, ям-яшил арча-юдов-дарахтлар соясида, мевали боғлар қуршовида яшасак қандай яхши. Тўғрими? Афсуски, жойларда бўлганимизда ана шундай кўркам, озода уйлар, ҳовли жойлар билан бирга мавжуд тартиб-қоидаларимизга риоя қилинмаётгани кўзга ташланади.

Яқинда тиббиёт бирлашмасининг бир гуруҳ ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги 242-сонли қарорининг ижросини ўрганиш мақсадида шаҳар маҳаллаларида уйма-уй юриб, оналаримиз, опасингилларимиз билан соғлом турмуш тарзи асослари ҳақида мароқли суҳбатлар ўтказишди. Айни пайтда уй ичи, ҳовли ён-атрофини тозалаш, деворларни оқлаш, тўпланиб қолган ахлат уюмларини йўқ қилиш бўйича тавсиялар ҳам беришди.

Улар ўз навбатида жойларда ечимини кутаётган бир қатор масалаларга ҳам дуч келишди. Масалан, «Дўстлик» маҳалласидаги 10 та савдо шохобчасининг ҳаммасида санитария-гигиена талабига риоя қилинмаётганига гувоҳ бўлишди. Мустақиллик кўчасидаги дўконлардан бири қаровсиз қолган, ён-атрофи ифлос, «Дўстлик» кўчасидаги 9-уйга кириш йўлакчаларида ҳам аҳвол шундай. Ҳ. Олимжон номли кўчадаги 9-2-уй биноси ёнида эса ахлат уюмлари тўпланган.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Аммо бу билан кўча ёки маҳалламиз тоза ва обод бўлиб қолмайди. Энг муҳими, ҳар бир хонадон соҳиби тозалик ва озодаликни сақлаш бўйича масъулиятни ҳис қилиши керак. Тозаликни сақлаш ўз уйимиздан бошланади.

Муҳаббат АБДУСАТТОРОВА,
туман тиббиёт бирлашмасининг
бош врачи.
"Пахтакор ҳаёти" (Жиззах)
01.05.2009

Маблағларини кўпайтиришни истаганлар учун!

AGROBANK

Пулларингизни самарали бошқарибгина қолмай, Сиз пул ютуқлари ҳамда қимматбаҳо совғаларнинг, яъни музлатгич, кир ювиш машинаси, рангли телевизорлар ва бошқа уй-рўзғор буюмлари каби ютуқларнинг эгаси ҳам бўлишни хоҳласангиз, АГРОБАНКнинг миллий валютадаги янги ютуқли омонат турларида ўз маблағларингизни жамғаринг.

Йиллик 14 фоиз миқдорида ҳақ тўланадиган **"ОМАД"** ҳамда **"АГРОКАПИТАЛ"** муддатли ва жамғарма омонат турларида маблағингизни 3, 6, 9 ой муддатларда кўпайтириб, ОМАДга эришинг!
Шу билан бирга, АГРОБАНК миллий валютадаги 26 фоиз миқдорида ҳақ тўланадиган **"АГРОЛЮКС"** муддатли омонат турини
ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда омонатчига тўлаб берилади.

Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади. Унутманг, "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан юз фоиз таъминланади!

Агробанк омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади.

Эслатиб ўтамиз, ютуқлар миқдори ютуқ чиққан ҳисобварақларга матбуотда эълон қилинган расмий жадвалга асосан ҳар ойда ўтказиб борилади!

Пулларингиз ишлайди ва даромад келтиради!
АГРОБАНК – юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчи!

Қўшимча маълумот учун 150-53-65 телефон рақамига мурожаат этишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди.
Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

АВВАЛИ

МУЛЛА МАҲДУМНИКИДА ЗИЁФАТ

Жумъа куни 23 сунбулада ушбу газет котиби мулла Маҳдум Мирзо ўз ошно, ёр-жўраларини ўз ҳовлисига чақириб, зиёфати олий қилибдур. Унда Муҳиддинхон эшон ҳожи ва Шайховандитоҳур даҳасининг бўлиб ўтмиш қозиси мулла Эшонхўжа ҳожи ва газет муҳаррири мулла Муҳаммад Олим маҳдум ва бошқа бир қанча ҳурматли ва иноятли меҳмонлар бўлган. Булардан ташқари, Н.Остроумиф хотини ва икки қизи билан, "Турк. ведомости" муаллифи Н.Маллитский хотини билан бўлган. Ўтиришда Инъомжон деган тошкандлик машшоқ укалари билан дутор, чанг, танбур чалиб хурсанд қилишади. Шу аснода Инъомжон суратгарликни ўрганганини айтиб, меҳмонларни турғизиб ва тартиб билан ўтирғизиб суратларини олади ва ҳар бирига сурат беришга ваъда беради. Ўрусия ва мусулмония меҳмонлар истулда ўтиришганди.

Туркистон вилоятининг газети",
1902 йил, 29 август.

Изоҳлар: *23 сунбула — 1902 йилнинг 23 августи. Бўлиб ўтмиш — собиқ. Н.Остроумов — "Туркистон вилоятининг газети" муҳаррири. "Инъомжон деган тошкандлик машшоқ..." — хато кетган, тўғриси: Илҳомжон.*

ОТ ЎЙИНИДАН

Ушбу кунларда масмуъ бўлиндиким, Тошканд шаҳридаги от ўйинининг ичинда Тошкандлик сатр машҳур Аҳмад полвон Топилдибой ўғли от ўйинидаги начанд пут тошни кўтарадургон Лавруф ном паҳлавон илан кураш тушуб ва мазкур паҳлавонни йиқитибдур. Ва ондин сўнгра мазкур от ўйунини Пруссик ном катта паҳлавони талабгор бўлуб кураш тушганида, мазкур Аҳмад паҳлавон они ҳам забун қилибдур.

"Туркистон вилоятининг газети",
1902 йил, 22 август.

Изоҳлар: *От ўйини — цирк. Масмуъ бўлинди — эшитилди. Начанд пуд — бир неча пуд. Забун қилмоқ — мағлуб этмоқ, енгмоқ.*

Нашрга тайёрловчи: Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ХОТИРА АЗИЗ

КАМТАРИН ИНСОН ЭДИ

Яқинда хориж газеталаридан бирида бир ишбилармоннинг шундай сўзларини ўқиб қолдим: "Ҳозир яхшилик ҳақида ёзишмоқда. Мен ҳам яхшилик қиламан деб бир кишига ёрдам бердим. Аммо унга берган кўмагим ўзимга қимматга тушди. Бир неча вақтдан буён йиққан даромадим камайди, тинчим бузилди, вақтим кетди. Йўқ, мен яхшилик қилиш учун туғилмаганман". Эҳтимол, бу сингари гаплар хорижликлар учун эриш туюлмас. Аммо бундай тушунчалар бизнинг одамларга асло тўғри келмайди. Негаки биз ўзгалар ташвиши билан яшайдиган, меҳмонини сийлаб, иззат кўрсатадиган халқмиз. Юртимизда шундай инсонлар борки, улар кўпчилик манфаатини ўз ҳузур-ҳаловатидан устун қўйишади.



Ҳамидулла Насруллаев ана шундай одамлар тоифасидан эди. У эллик йилдан ортиқ республикамиз банк тизимида фаолият юритди. Молия муассасасидек масъулиятли соҳада намунали меҳнат қилди. У илгариги Давлат банкининг Андижон, Сирдарё, Тошкент вилоятлари бошқармаларида бошқарувчи лавозимларида ишлади.

Ҳ.Насруллаевнинг отабоболари Носир ҳамда Шомаҳмуд бувалар Тошкентнинг маърифатли, маънавиятли инсонларидан бўлишган. Уларнинг серфайз боғлари бўлиб, турли сархил мевалар етиштиришар, бўш вақтларида китобхонлик қилишарди. Носир қори ёшлигидан зеҳни ўткир бўлиб, "Қуръону карим" ҳамда ҳадисларни ёддан айтиб, тафсирини одамларга тушунтирарди. "Дилинг Аллоҳда-ю, қўлинг ишда бўлсин". Бу ҳикмат у суйган аъмоллардан эди. Буни қарангки, шўро даврида Ҳамидулла отанинг бешала амакиси ҳам бирин-кетин қулоқ қилинди, серфайз боғлари вайрон этилди. Отаси бировнинг маслаҳати билан ширкатга аъзо бўлгани боиси фалокатдан омон қолди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганида Ҳамидулла ўн бир ёшда эди. Бир йил ўтар-ўтмас унинг ёшгина онаси хасталаниб, вафот этади. У очлик ва муҳтожликдан силласи қуриган, битта нон топиш учун жабру жафо тортган ўспиринлик йилларини сира унутолмасди. Бундай шароитларда йўқчилик туфайли ёшларнинг аксарияти ўзини тирикчилик, бозор-ўчар ишларига уради. Ҳамидулла эса бундай қилмади. Отасининг маслаҳати билан илм олишга киришди. У Тошкент молия кредит техникумида, кейин иқтисодиёт институтининг кредит-иқтисодиёт факультетида таҳсил олди.

Инсон доимо нимагадир интилиб яшайди. Ҳ.Насруллаев ҳам бир умр аждодлари ўтган гўша — пойтахт шаҳар банкларида ишлашни орзу қиларди. У бу орзусига эришди. Аммо унга қадар машаққатли меҳнат йилларини бошидан кечиришига тўғри келди. Шундай қилиб, умрининг энг кучқувватга тўлган даврини Сирдарё чўлларини обод қилишга бағишлади. Ўшанда вилоят янги ташкил этилган пайтлар эди. Маълумки, чўл шароитида бирор соҳа осонлик билан ривожланмайди. Ишлаб чиқаришни молиялаштириш, янги ўзлаштирилаётган ерларга маблағлар ажратиш, уларни назорат қилиш, давлат маблағларининг талон-торож бўлишига йўл қўймаслик, вилоят банки идорасини қуриш, жиҳозлаш, туманларда Давлат банки филиалларини бунёд этиш, уларни кадрлар билан таъминлаш... Бу юмушлар энди йўлга қўйилаётган молиявий муассасанинг вилоят бўлими зиммасида эди, албатта. Ўша йилларни Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Марказий Кенгаши раиси Эркин Боқибоев шундай хотирлайди:

— Ўшанда тажрибали банк раҳбари Ҳ.Насруллаев енг шимариб ишга киришганди. Бу инсон ҳар қандай катта ишни ўта камсуқумлик, камтарлик билан бажарарди. Кам гапириб, кўп ишлаш унинг ўзига хос хусусияти эди. Ходимларига буйруқ бериб эмас, аввало, ўзи иш бажариб намуна кўрсатарди. Ҳалоллик, поклик, виждон каби асл туйғулар Ҳамидулла акага жон билан кирган эди. Табиатан камтар ва камсуқум бироларимиз ҳеч қачон ўзига бино қўйиб юрганини, оиласи ташвишида пул йиққанини кўрмаганман. Талабалигида қандоқ одмигина кийинган бўлса, вилоят банки раҳбаридек масъул лавозимларда ишлаган кезларида ҳам шундай камтарона юрарди.

Йигирма-ўттиз йил илгари устозга шогирд тутинган йигит-қизларнинг аксарияти бугун молия соҳасида нуфузли лавозимларда фаолият кўрсатишмоқда. Республикамизнинг қайси банк муассасасига ташриф буюрманг, бу инсонга хайрихоҳ ходимларни, шогирдларини, дўстларини учратасиз.

— Ҳамидулла аканинг ҳаммага ўрнак бўладиган бир хислати шунда эдики, — дейди у кишининг шогирдларидан бири, таниқли иқтисодчи Нусратилла Солиев. — Устозимиз бозор иқтисодиёти шароитида иш юритишнинг янги-янги усулларини дадил қўлларди. Жумладан, тизимда хусусий банкларни ташкил этишга биринчилардан бўлиб киришди. У кишининг саъй-ҳаракатлари билан "Алп Жамол банк"и ташкил этилди. Ушбу молиявий муассасанинг бошқарув раислиги лавозимида астойдил меҳнат қилиб, жамоани оёққа қўйиш учун бор тажрибасини, маслаҳатларини аямади. Бугунги кунда андоза олса, арзигулик ушбу хусусий банкнинг нуфузи, салоҳияти бор.

Банкнинг муваффақияти нимада? Бу аввало кўрсатилаётган хизматларнинг юқори самарадорлиги, малакали мутахассислари, самарали кредит амалиётлари ҳисобланади. Бу омиллар бирлашиб, банкнинг умумий тараққиёт йўлини ташкил этади ҳамда миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришга ўз улушини қўшади. Ҳамидулла Насруллаев ҳаёти ва фаолиятига бағишланган "Қутлуғ қадамлар" китобида филология фанлари доктори, профессор Файзулла Мўминов шундай ёзади:

— Пулни иқтисодиётнинг томиридаги қонга ўхшатиш мумкин. Агар пул тўғри тақсимланмаса, тасаввур қилайлик, у етарли бўлмаса, иқтисодиёт камқонлик дардига дучор бўлади. Жамиятдаги жамики маблағнинг ҳажмини тўғри сақлаш ва айлантиришдек муҳим вазифани банклар бажаради. Шу боис Ҳамидулла Насруллаев бутун фаолияти давомида жамоатчилик билан алоқаларни изчил давом эттиришга алоҳида эътибор берган. Фикрдан фикр унар деган нақлга мудом амал қилган отахон ярим асрдан ортиқ бенуқсон фаолият кўрсатганининг асл сабаби шунда бўлса, ажабмас. У аввало ўз ходимлари, сўнгра жамоатчилик билан самимий алоқа ўрнатиб, кўпчиликнинг кўнглини топган, жамоани худди бир оила аъзоларидек бирлаштирганди. Бундай усулни энг ривожланган мамлакатлардан бири Япония мисолида кўриш мумкин.

Ҳамидулла Насруллаевнинг вафот этганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Унинг турмуш тарзи ҳам ўзидек оддий ва камтарона ўтди. Дилбар аядек қаноатли, идрокли аёл билан биргаликда 50 йил умргузаронлик қилди. Фарзандлари — тўрт ўғли ва бир қизида ҳам оталари феъл-атворига хос хусусиятлар бисёр. Фарзандлар, набиралар, жиянлар, келинлар, хуллас катта сулоланинг аксарияти банк соҳасида хизмат қилаяпти, таълим олаяпти.

— Отамиз бизларни китоб мутолаа қилаётган ёки меҳнат билан банд пайтларимиздагина алқарди, — дейди Ҳамидулла аканинг тўнғич фарзанди, "Ипотека банк"нинг Собир Раҳимов филиали бошқарувчиси муовини Зиёдулла Насруллаев. — Шогирдларининг билимларини ҳам мунтазам имтиҳон қиларди. Агар уларда оқсаш сезса, ўқитувчилари билан астойдил суҳбатлашарди. Банк ходими ўз ташкилотининг бор сир-синоатини нозик идрок этиши, уларни эринмай ўрганишини таъкидларди. Энди англасак, қалби дарё падари бузрукворимизнинг ҳар бир қадами, амали, ишораси ўгит, сабоқ экан. Билгилки, маҳалла — сенинг хонадонинг. Унга ҳамиша ўз қадрдонларинг масканидек талпин, ёрдам бер, чунки ҳар қандай кунингда аввало маҳалладошларинг ярайди, — дерди у киши.

Мамлакат иқтисодиёти локомотиви ҳисобланган банк тизимида эллик беш йил самарали ишлаган, издошлар-у, шогирдларига нисбатан чинаккам инсонийлик хусусиятларини намойиш этган Ҳамидулла Насруллаевнинг меҳнат фаолияти нафақат шу соҳа вакиллари, балки кўпчилик учун ҳам ибрат мактаби бўлиши шубҳасиз.

У киши ёшлигида филолог бўлишни орзу қилган эди, бадиий ижодни ниҳоятда қадрлаган. Ҳатто ёзган шеърлари таниқли ҳофизлар томонидан қўшиқларга ҳам айланганди. Демак, азал-азалдан иқтисод ва адабиёт Ҳ.Насруллаев табиатида ҳамоҳанглик касб этган. Ушбу муштараклик турмушнинг узоқ йиллик суронида ўзаро уйғунлашиб, сайқал топган ва банк тизимида ўзига хос мактаб кўринишида намоён бўлган бўлса, ажаб эмас.

Мамлакат НОРМУРОДОВА

ДАРАКЛАР

СУИҚАСД РЕЖАСИ ФОШ ЭТИЛДИ

Венесуэла махсус хизмати вакиллари мамлакатнинг амалдаги президенти Уго Чавесга суиқасд уюштиришни режалаштирган тўрт нафар кишини қамоққа олди. Уларнинг уч нафари Доминикан республикаси ва бир нафари Франция фуқаросидир. Каракас марказидаги бир уйдан уларга қарашли винтовка, пулемёт, граната ва бошқа ҳужжатлар топилди.

Дастлабки тергов материалларига қараганда, Франция фуқароси Лоран Фредерик Боке гуруҳга етакчилик қилган. Мамлакат ички ишлар вазири Тарек эл Айссамининг гапларига асосланиб, Associated Press тарқатган хабарда айтилишича, Лоран Боке Европадаги давлатлардан бирининг ҳарбий хизматчиси ҳисобланади. Шунингдек, у қайдадир террорчилик гуруҳига ҳам аъзо экан.

ШАХТАЛАР СОТИЛАДИ



Украина ҳукумати очиқ кимошди савдосида 99 та кўмир шахтасини сотишга қарор қилди. Бу ҳақда «Интерфакс» хабар тарқатди. Хабарда айтилишича, кимошди савдосини ўтказиш тартиби Кўмир саноати вазирлиги ва Давлат мулки фонди томонидан ишлаб чиқилиши керак. Шахталарни сотишдан тушган маблағ мамлакат кўмир тармоғини ривожлантиришга сарфланади.

Ҳукумат қарорида таъкидланишича, шахтани сотиб олган шахс ёки ташкилот корхонанинг барча қарзларини тўлаши ва шахта ишчилари билан камида беш йилга шартнома тузиши лозим.

МУЗОКАРАЛАР НАТИЖАСИЗ ТУГАДИ

Кеча Грузия президенти Михаил Саакашвили ва унга мухолифатда бўлган кучлар вакиллари учрашдилар. Хабарларга қараганда, музокаралар натижасиз тугаган. Мухолифат вакиллари амалдаги мамлакат раҳбарини Грузия бирлигига раҳна солишда айбламоқдалар. Шунингдек, ундан муддатидан олдин президентликдан воз кечишни талаб қилишаяпти.

Саакашвили барча айбларни рад этди. У мухолифатни ҳамкорликка чақирди. Унинг таъкидлашича, барчанинг манфаатларига хизмат қиладиган янги конституция ишлаб чиқиш лозим. Бундан ташқари, у айрим мухолифат вакилларига нисбатан қўзғатилган жиноий ишларни тўхтатишга тайёр эканини ҳам билдирди. Аммо мухолифат вакиллари бунга рози эмас. Улар фақат президентнинг лавозимидан кетишини талаб қилишаяпти.

ЖИНОЯТЧИ ГЕРМАНИЯГА КЕЛТИРИЛДИ



Иккинчи жаҳон уруши йилларида нацистлар билан ҳамкорлик қилишда айбланаётган Жон Демьянюк кеча АҚШдан Германияга келтирилди. У 30 мингга яқин яҳудийларни ўлдиришда айбланмоқда.

Шу йилнинг мартида Германия ҳукумати Демьянюкни қамоққа олиш тўғрисида ордер берган эди. Аммо 89 ёшли жиноятчининг адвокати унинг касаллигини айтиб, экстрадиция муддатини кечиктириб келди.

Асли украиналик бўлган Демьянюк 1952 йили АҚШга кетади ва Иван номини Жон деб ўзгартиради. 1986 йили у Исроилга депортация қилинган ва мамлакат суди томонидан ўлим жазоси ҳукм этилганди. Аммо кейинроқ суд унинг жиноятини исботланмаган деб топди ва озодликка чиқарди.

СУВ ТОШҚИНИ КЕЛТИРГАН ЗАРАР

Бразилияда бир неча кун тўхтамасдан ёққан ёғингарчилик туфайли сув тошқинлари ва ер кўчкиси рўй берди. France-Presse хабарига қараганда, бу табиий офатлар натижасида 44 нафар аҳоли ҳаётдан кўз юмган.

Сўнгги хабарларга қараганда, сув тошқинларидан мамлакатнинг 11 штатида яшовчи бир миллиондан кўпроқ аҳоли жабр кўрган. 126376 киши ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлган. Яна 57 минг нафар киши хавфсиз жойларга кўчирилган.

Иқтисодчилар сув тошқинларидан мамлакат хазинаси 1,5 миллиард доллар ҳажмида зарар кўрганини таъкидлашмоқда.

ИШСИЗЛАР СОНИ КЎПАЙМОҚДА

АҚШ иқтисоди биргина апрель ойида 539 мингта иш ўринларини йўқотди. Мана ўн олти ойдирки, мамлакатда ишсизлар сони кўпайиб бормоқда. Бу ҳақда Меҳнат вазирлиги расман хабар тарқатди.

Ҳукумат 140 минг нафар кишини аҳолини рўйхатга олиш ишига жалб этмаганида, ишсизлар сони бундан ҳам кўп бўлиши мумкин эди. Апрель ойида саноатда 149 мингта, қурилишда 110 мингта, хизматлар соҳасида 269 мингта иш ўринлари қисқарди.

Оқ уй маъмурияти кейинги икки йилда 3,5 миллионта янги иш ўринлари яратишни режалаштираяпти.

Интернет хабарлари асосида Азизбек АЛЛАБЕРДИЕВ тайёрлади.

Бола жиноятчи бўлиб туғилмайди

(Бошланиши 1 -бетда.)

— Мактабда атиги 3-синфгача ўқиганман, — дейди ўзини Данил Мелишов деб таништирган бола. — Ота-онам ташлаб кетишгач, қариндошларимнинг қўлида қолдим. Маҳалламиздаги болаларга қўшилиб уйдан қочиб кетганман. ТТЗ бозорида арава судраб, пул ишлаб топардим. Милиция ходимлари ушлаб олмасликлари учун сумкани елкамга осганча, ўзимни мактабда ўқийдигандек қилиб кўрсатардим.

Ички ишлар вазирлигига бўйсунувчи Юнусобод туманидаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақланаётган бу болалар билан суҳбатлашар эканман шунга амин бўлдимки, баъзи ота-оналар ўз фарзандлари ҳаётига, келажагига бефарқ муносабатда бўлаётган бир пайтда, давлатимиз уларнинг кўчада қолмаслиги учун барча имкониятларни ишга солаяпти.

Марказ бошлиғининг ўринбосари Ойбек Олимбеков билан суҳбатлашдик.

— Махсус режага биноан доимий равишда одам гавжум жойларда, бозорларда ходимларимиз тадбирлар ўтказиб туради, — дейди у. — Катталарсиз ёлғиз ўзи юрган вояга етмаганларни тўхтатиб, улар билан суҳбатлашилганда, кўпинча уларнинг қаровсиз экани маълум бўлади. Ана шундай болаларни ушлаб марказимизга олиб келишади. Республика бўйича фақат бизнинг марказга транзит мақоми берилган. Бу — МДҲ давлатларидан турли йўллар билан юртимизга келиб қолган назоратсиз 3-18 ёшгача бўлган вояга етмаганларни ўз давлатларига қайтариш ҳуқуқи мавжуд дегани. Биринчи навбатда муассасамизга келган турли ёшдаги ўғил-қизларнинг шахсини, уй манзилини аниқлаймиз.

Болаларнинг баъзилари ҳали жуда кичик ёшда бўлганликлари боис, улар ўзи, ота-онаси, уй манзили ҳақида умуман маълумот бера олмайди. Айримларининг берган манзиллари ўрганиб чиқилганда, у ерда умуман бундай шахсларнинг яшамаслиги маълум бўлади..

Республикамизда ўғил ва қиз болаларнинг махсус касб-ҳунар коллежлари мавжудки, бу муассасаларга айнан тарбияси оғир бўлган, уйидан бир неча марта қочиб кетганлар жойлаштирилади. Халқ таълими вазирлиги қошидаги Қўқон шаҳар махсус енгил саноат касб-ҳунар коллежида ана шундай тарбияси оғир қизларнинг 220 нафари тарбияланади.

— Бизнинг муассасада ўқийдиган 14-18 ёшгача бўлган қизлар аллақачон зарарли иллатларга берилиб бўлган, енгил-елпи ҳаёт кечиришга ҳам улгурган, — дейди коллеж директори Раъно Йўлдошева. — Биз уларни даволаб, мажбурий равишда мактаб дастури асосида ўқитамиз, тикувчилик мутахассислиги бўйича касб-ҳунар ўргатамиз.

Статистик маълумотларга қараганда, жами содир этилган жиноятларнинг айнан вояга етмаганлар ҳисобига тўғри келадиган улуши йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бу яхши албатта. Аммо вояга етмаганларнинг жиноятларда қатнашаётгани ачинарлидир.

Бугун биз бола деб қарайдиган вояга етмаганлар қасддан одам ўлдириш, ўғрилик, босқинчилик, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни содир этиб, боши берк кўчага кириб қолаётгани фожиадир.

— 6-синфдан бошлаб қизим ўзгара бошлади. Ўзига оро берадиган, кўчадан бери келмайдиган бўлиб қолди, — дейди қўқонлик С.Шоимқулова. — Эрталаб чиқиб кетганча қош қорайганда уйга кириб келадиган одат чиқарди. Кейин билсак маҳалладаги ахлоқи бузуқ ёши катта қизга илакишиб қолган экан. Ўзим ўқитувчи бўлганим боис, қизимнинг мактабга бормай қўйганини билардим. Ҳамкасбларимдан уялганим учун уни касал бўлиб қолди, деб айтардим. Қизимнинг шундай бўлиб кетишига отаси сабабчи, деб ўйлайман. Сабаби эрим болаларнинг кўз ўнгида мени ҳақоратлаб, ножўя ҳаракатлар қилар эди. Қизим енгилтак қизларга қўшилиб, ўқишни ташлади. Ҳозир у Қўқондаги махсус енгил саноат касб-ҳунар коллежида тарбияланмоқда. Очиғи фарзандимни тарбиялашга кучим етмагани боис, уни у ерга беришга қарор қилдим.

Кейинги пайтда Республика Бош прокуратураси органлари ва вояга етмаганлар ишлари бўйича жойларда фаолият юритаётган комиссиялар ҳамкорлигида нотинч оилалар масаласида муайян ишлар қилинмоқда. Ўтказилган мониторинг якунига кўра, юртимизда 10236 та нотинч оила борлиги аниқланди, уларда 31868 нафар вояга етмаган бола тарбияланмоқда. Бундай оилаларда тарбияланаётган 1362 нафар ёшлар корхоналарда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар учун квоталанган иш ўринларига жойлаштирилди. Шунингдек, нотинч оилаларда вояга етаётган 31025 нафар бола тиббий кўрикдан ўтказилганда, уларнинг 11240 нафарида турли хил касалликлар борлиги аниқланди. Шу боис, болаларнинг 10694 нафарига соғломлаштириш чоралари кўрилди, 701 нафар вояга етмаган шахсларга эса ногиронлик белгиланди.

Оила — тарбия ўчоғи. Демак, ҳар қандай ножўя ҳаракатнинг илдизи ҳам у ерда томир отади. Албатта, бола бежизга кўчани танламайди, нопок кимсалар этагини тутмайди, ўз-ўзидан ўғри, безори, босқинчи бўлиб қолмайди. Вояга етмаган бир пайтда фоҳишабозлик билан шуғулланаётган, номусга тегиш, қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган боланинг, ўсмир ёхуд ўспиринг кўзларига ҳеч эътибор берганмисиз? Бу кўзларда дард, ўкинч, афсус, надомат ва нажот яширинган. Адашган болани айбламасдан, унинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ташқи омилларнинг унга таъсирини ҳис қилган кишигина бу дардни кўра олиши мумкин.

Албатта, ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Унинг жиноят оламига киришига аввало оила, кейин маҳалла ва албатта, мактаб ҳам сабабчи. Вояга етмаган ёшида кунлаб, ҳафталаб уйига келмайдиган боласига эътиборсиз ота-онанинг, маҳалланинг ва мактаб жамоатчилигининг фаолиятини қандай баҳолаш мумкин. Демак, масаланинг ечимини аввало ўзимиздан излашимиз керак. Оила, маҳалла ва мактаб баҳамжиҳат бўлса, фарзанд тарбиясида камчилик бўлмайди.

Нилуфар ЖУМАЕВА, журналист.

ИМКОНИЯТ

“ИПОТЕКА БАНК” КЎМАГИДА ЁШ ОИЛАЛАР ЎЗ ХОНАДОНЛАРИГА ЭГА БЎЛИШМОҚДА

Молия муассасаси томонидан 672 хонадонга мўлжалланган 20 та кўп қаватли турар-жой биноси фойдаланишга топширилди ва жорий йилда яна 773 хонадонли 24 та уй бунёд этилади.

IPOTEKA BANK

Киши ҳаётида қувончли лаҳзалар кўп бўлади. Илк бор мактабга қадам қўйиш, олий ўқув масканидаги талабаликнинг хушнуд дамлари, никоҳ тўйи, фарзанд туғилиши... Булар инсон хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди. Аксинча, ҳар гал эслаганда одамга ўзгача завқ бериб, янги-янги қирраларини намоён этиб бораверади Баъзан ҳаётнинг маъноси ҳам шундамикан деб ўйлаб қоласан киши. Инсон ҳаётида яна бир унутилмас палла борки, у таърифланмайди, унинг қувончи ҳамманинг ўз идроки томонидан ҳис қилинади. Бу ҳам бўлса киши вояга етиб, оила қургач, ўз бошпанасига эга бўлиши, ўз ошёнида рўзғорнинг барча қувонч-у, ташвишларини бўйнига олиб, чинакамига катта ҳаётга қадам қўйишидир. Халқимиз “Ўз уйинг — ўлан тўшагинг” деган мақолни бежиз айтмаган. Энг имконияти бор одам ҳам илк бор уй олганини, унга биринчи марта жиҳоз сотиб олганини ширин энтикиш билан эслайди.

Дунёда ўз уйига эга бўлмаган одамлар кўп. Ҳатто жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида ҳам минглаб кишилар умр бўйи ижарада яшаб ўтишади. Ўз уйларига эга бўлиш орзулари армонга айланаётгани, доимо қалбларига ғашлик солиб туради. Ўтган йили бошланган жаҳон молиявий инқирози эса дунё ҳамжамиятини янада эсанкиратиб қўйди. Миллионлаб фуқаролар ишсиз қолди. Банкдан олинган кредит эвазига бошпанали бўлганлар қарзларини тўлолмай, ҳатто уйларини ташлаб кетишаяпти. Бу ҳолнинг ҳамон давом этаётгани эса жуда ачинарлидир. Ўрни келганда алоҳида таъкидлаш жоиз, дунё давлатларини боши берк кўчага киритиб қўйган бу таназзул энг аввало Америка Қўшма Штатларининг ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган эди. Бу иқтисодий танглик, йирик банклар ва молиявий тузилмалар тўлов қобилиятининг заифлашиши оқибатида юзага келди. Кейин бошқа мамлакатларга ҳам ўтди. Энг ривожланган давлатда бошланган бу бўҳрон ҳар қандай мамлакатни, унда фаолият олиб бораётган молия муассасаларини такрор ва такрор эҳтиёткорликка, халқ ибораси билан айтганда “етти ўлчаб, бир кесиш”га ундайди.

Жаҳонда иқтисодий танглик ҳукм сураётган бир пайтда юртимизда аҳолининг, хусусан, ёш оилаларнинг қўллаб-қувватланаётгани, уйли бўлишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётгани Ўзбекистонда барқарор иқтисодий фаолият юритилаётганлигидан, юртимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилига кўра давлат бош ислоҳотчилик вазифасини бекаму-кўст бажараётганидан далолат беради.

Юртбошимиз ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” деб номланган асарида таъкидлаганидек, “Биринчи навбатда иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлигида ўз ифодасини топган прагматик иқтисодий сиёсат, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва вазминлик билан амалга ошириш каби тамойиллар айниқса дунёда авж олиб бораётган молиявий ва иқтисодий инқироз шароитида ўзининг долзарблиги ва ҳаётийлигини яна бир бор кўрсатмоқда”.

Жаҳондаги йирик корхоналарнинг ўз фаолиятини маълум даражада тўхтатиши оқибатида ўн минглаб кишилар ишсиз қолаётган бир пайтда мамлакатимиз молия муассасаларининг иқтисодий имкониятлари юксалиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Буни “Ипотека банк” акциядорлик тижорат банки мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Молия муассасаси ўтган йили бир қатор ижобий ютуқларни қўлга киритди. Жумладан, ўтган йилнинг сентябрь ойида банкнинг миллий валютадаги узоқ муддатли депозитлари «Moody’s» халқаро рейтинг агентлигининг B1 халқаро рейтинг даражасини олгани ва рейтингнинг истиқболи «барқарор» деб белгиланган бежиз эмас, албатта. Муҳими, банк жамоаси қўлга киритилган ютуқлар билан чегараланиб қолмасдан, янги муваффақиятларга эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Буни ходимлар саъй-ҳаракатидан, ислоҳотларнинг изчил амалга оширилаётганидан ҳам билса бўлади. Банк жамоаси жорий йилда ҳам халқ фаровонлигини ошириш, юртимиз тараққиётини юксалтириш йўлида самарали меҳнат қилмоқда.

Иқтисодиётнинг ҳозирги долзарб йўналишларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. “Ипотека банк” акциядорлик тижорат ипотека банки юртимиздаги бошқа молия муассасалари билан бирга мазкур соҳани ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Масалан, жорий йил бошидан буён мазкур йўналишга 34 миллиард 935 миллион сўм миқдорида кредит берилиб, 2596 та янги иш ўрни яратилди. Молия муассасасининг тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти эса янада таҳсинга лойиқ. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида ишбилармон хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 3,056 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 10,065 миллион сўмлик кредит йўналтирилиб, 589 нафар киши иш билан таъминланди, шу билан бирга ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга 9,790 миллион сўмлик кредит берилди. Натижада 536 та иш ўрни яратилди.

Маълумки, аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш мақсадида Президентимизнинг “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони эълон қилинган. Мазкур Фармон фуқароларнинг бўш маблағларини омонатларга жалб қилишни такомиллаштириш ва нақд пулларини банкка янада кўпроқ жалб этиш борасида кенг имкониятлар яратиб берди.

Фуқароларнинг мазкур молия муассасасига бўлган ишончининг кун сайин ортиб бораётганини қуйидаги рақамлардан ҳам билиб олиш мумкин. Бугунга келиб, аҳоли омонатлари миқдори 74 миллиард 561 миллион сўмга етди. Ҳозирги пайтда банкнинг 37 та филиалида қарийб 62,5 мингта мижозга малакали хизмат кўрсатилмоқда. Филиалларнинг аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда жойлашгани хизмат кўрсатишнинг янада самаралироқ бўлишига имкон яратмоқда. Шунингдек, молия муассасасига қарашли 130 мини банкнинг 26 таси ёки 20 фоизи қишлоқ ҳудудларида жойлашган. Жорий йилнинг биринчи чорагида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш учун «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида 1341 миллион сўмлик кредитлар берилиб, бунинг ҳисобига 138 та иш ўрни яратилди. Шу жумладан, четдан наслли қорамоллар келтиришга 200 миллион сўм, паррандачилик хўжаликларига 85 миллион сўм, қишлоқда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга 5 миллион сўм, минитехнология ва ихчам ускуналар ишлаб чиқаришга 204 миллион сўм, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун технологиялар харид қилишга 201 миллион сўм, касаначиликни ривожлантиришга 21 миллион сўм ажратилган бўлса, қишлоқ ҳудудларида сервис хизматлари юритувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 625 миллион сўмлик кредитлар берилди. Шунингдек, пахта ҳамда ғалла ҳосилини молиялаштириш учун жами 11486 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Умуман, қишлоқ хўжалиги соҳасига ҳаммаси бўлиб 890,4 миллион сўм кредит йўналтирилди.

Нақд-пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини ривожлантиришда ҳам ибратга арзигулик ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг “Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Биргина жорий йилнинг биринчи чорагида 3,5 минг дона янги пластик карточкалар муомалага чиқарилиб, уларнинг умумий сони 503,9 минг донага етказилди. Пластик карточкалар орқали савдо шохобчаларида ва банк жамғарма кассаларида ўрнатилган 2340 та терминал, 12 та банкомат ва 18 та инфокиосклар хизмат кўрсатиб келмоқда. Пластик карточкалар орқали йил бошидан буён 34 миллиард сўмлик нақд пулсиз транзакциялар қайд қилинди. Бу ўз навбатида одамларда ҳисоб-китоб қилишнинг шу усулига бўлган ишончнинг ошганини кўрсатади.

Маълумки, “Ипотека банк” акциядорлик тижорат ипотека банки ҳақида сўз кетганда, энг аввало мазкур молиявий муассасанинг аҳолининг шинам уй-жойларга бўлган талаб-эҳтиёжини қондирадиган, шаҳар-у қишлоқларда уй-жой қурилишини жадал ривожлантириш учун имтиёзли ва узоқ муддатли ипотека кредитлари берадиган нуфузли молиявий муассаса кўз олдимизга келади. Бу жабҳада мазкур банк бугун мамлакатимизда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган молия муассасасига айланганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Хизмат кўрсатиш даражасининг яхшиланиб бораётгани мижозлар ишончининг ортишига сабаб бўлмоқда. Аҳолини банкнинг сифатли хизматидан миннатдорлигини юртимизнинг турли гўшаларидан келаётган миннатдорчилик мактублари ҳам тасдиқлаб турибди. Улардан бирини эътиборингизга ҳавола этамиз:

“Юртимизда ёшларга яратилган имкониятдан фойдаланиб, давлат бюджети асосида таълим олиб, олий маълумотли ҳуқуқшунос дипломига эга бўлдим ва бу менинг ҳаётимда унутилмас воқеадир. Эндиликда эса ҳурматли Юртбошимизнинг биз ёшларга оталарча ғамхўрлиги туфайли “Ипотека банк” АТИБ Хоразм вилоят филиалидан имтиёзли ипотека кредити олиб, уйли бўлдик. Бунинг учун молия муассасасининг масъул ходимларига ҳам катта миннатдорчилик билдирамиз.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич Каримов! Сизнинг ушбу ғамхўрлигингиз бутун умр эсимдан чиқмайдиган воқеа бўлди, керак бўлса мендан кейинги авлодлар ҳам бундай эзгу ишларингиздан хабардор бўлишади. Аллоҳ таоло Сизнинг умрингизни узоқ қилсин, дунё тургунча туринг, катта раҳмат Сизга”.

Ҳар сатридан самимият уфуриб турган бу ташаккурномани Урганч шаҳридаги ал-Беруний кўчаси, 190-уй, 4-хонадонда яшовчи Отабек Рўзметов йўллаган. Бундай мактублар жуда кўп.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2007 йилнинг 18 майида қабул қилган “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг ижросини таъминлаш юзасидан ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларга меҳнат фаолиятини бошлаши ҳамда мустақил ҳаётга киришиши учун зарур молиявий ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантиришнинг ўзига хос механизмларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой, шунингдек маиший шароитларини яхшилашни ният қилган банк ходимлари жорий йилда ҳам муайян ишларни амалга ошираяпти. Хусусан, шу йилнинг биринчи чорагида 349 та ёш оилага 6762.1 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари берилди. Ажратилган ипотека кредитларининг 91,7 фоизи айнан ёш оилаларга берилгани қувонарлидир.



Ажратилган ипотека кредитларининг 91,7 фоизи айнан ёш оилаларга берилгани қувонарлидир.



Халқимиз “Ўз уйинг — ўлан тўшагинг” деган мақолни бежиз айтмаган. Энг имконияти бор одам ҳам илк бор уй олганини, унга биринчи марта жиҳоз сотиб олганини ширин энтикиш билан эслайди.

Шунингдек, “Ипотека кредитлари беришни қўллаб-қувватлаш фонди” маблағлари ҳам “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва вилоятлар ҳокимликлари қошидаги махсус комиссия берган тавсиялар асосида имтиёзли шартлар билан узоқ муддатга ёш оилаларга якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жой сотиб олиш учун берилмоқда. Ҳозирги кунгача жамғармадан олинган 10 миллиард сўм маблағ эвазига 547 та ёш оила 9,9 миллиард сўмлик имтиёзли кредит-

Вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида жами 44 та кўп қаватли уйлар бунёд этилиши молиялаштирилган бўлиб, уларнинг айримларида қурилиш ишлари қизғин олиб борилаяпти.

32 хонадонли уйлар қуриб битказилиб, ёш оилаларга берилди. Режага кўра, шу йилнинг июнь ойи охиригача республикамиз бўйича яна 773 хонадонли 24 та уйнинг қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилиб, фойдаланишга топширилади.

— Саккиз киши тўрт хонали уйда сиқилиб қолгандик, — дейди яқинда кредит олиб, уйли бўлган пойтахтлик Нодир Шокиров. — Уйланганимга тўққиз йил бўлган. Онам, учта укам, мен, турмуш ўртоғим ва икки фарзандим бир уйда яшаб келаётгандик. Бу ёқда укаларимни уйлантириш керак. Ўйлаб-ўйлаб ипотека кредити олишга қарор қилдик. Олинган маблағ эвазига Юнусобод туманидаги янги қурилган уйларнинг биридан уч хонали уй сотиб олдик. Турмуш ўртоғим банк соҳасида ишлайди, ўзим ҳайдовчиман. Иккаламизнинг маошимиз жами 800 минг сўмни ташкил қилади. Ойига 14 фоиздан — 500 минг атрофида тўлаб борар эканмиз. Биласизми, ўз бошпанасига эга бўлиш кишига жуда катта қувонч бахш этаркан. Тўғри, уйга энди кўчиб ўтамиз, аммо ҳозирданоқ қувончимиз ичимизга сиғмаяпти. Кўнглимдан кечаётганларини сўз билан қандай таърифлаб берсам экан.... Бу биз учун жуда катта имконият. Фурсатдан фойдаланиб, бизга шундай шароитларни яратиб бераётган Юртбошимизга, “Ипотека” банк ходимларига ўзим ва оиламиз номидан чуқур миннатдорчилигимизни билдирмоқчиман.

Ҳа, банк кўмагида янги уй-жойга эга бўлган ёш оилалар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Агар улар билан суҳбатлашсангиз ҳар бири ҳаяжонли дил сўзларини айтишади.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, дунёда молиявий инқироз давом этаётган бир пайтда ҳам “Ипотека банк” акциядорлик тижорат ипотека банки ўз дастурида белгиланган режаларни оғишмай бажариб келмоқда. Юртбошимиз ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Шубҳа йўқ, жаҳон молиявий инқирозининг таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун бизда барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Аввалambор кейинги давр мобайнида мамлакатимизнинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятининг пухта пойдеворини, молия-банк тизимининг ишончли бошқарув механизмларини ўз вақтида шакллантириб ва мустаҳкамлаб олганимиз бунга кафолат ва асос бўлиб хизмат қилиши муқаррар”.

Иномжон АБДИЕВ,
“Hurriyat” мухбири. ®

МАЪНАВИЯТ

ЭҲТИРОМ

ЎЗ ОВОЗИГА ЭГА ШОИР



Тўлан Низом овозини биринчи бор 1960 йилда эшитган эдим. Ўша йили баҳор кунларининг бирида талабаларнинг ёш шоирлар билан учрашуви бўлди. Учрашувни олиб борган шоир Карим Аҳмадий:

— Навбат бўзлик ёш ва умидли шоир Тўланбой Низомовга, — деб эълон қилди. Минбарга ёшгина, соддалиги юзида барқ уриб турган қишлоқ йигити кўтарилди. У залга қаради-ю, ҳаяжон ила "Шоҳимардон" шеърини ўқий бошлади:

Чор тарафи тоғ,
Сойи шарқироқ,
Ирмоқлар куйчи,
Мақомчи япроқ.

Еллар эркалар,
Яхшилик тилар,
Ҳиссиз дилларни
Эзиб тилкалар.

Нақадар содда сатрлар. Аммо улар сиз билан биз билган гўзал Шоҳимардон қиёфасини кўз олдимизда айнан гавдалантиради. Ўша учрашувдан бери ярим аср ўтибди. Ёш ва умидли шоир бугун эл орасида таниқли ижодкор, Ўзбекистон халқ шоири, қатор орденлар соҳиби. Аммо ўша-ўша содда, хокисор, камтар, ёқимли Тўланбой.

Мен шоир ижодини кузатиб бораман, янги-янги асарларини ўқиб севинаман, шогирдларимга тарғиб қиламан. Сабаби шуки, Тўланбой биз ижтимоий фан вакиллари тадқиқ ва тарғиб қиладиган мустақиллик, озодлик, миллий ғурур, миллий қадрият, тарих руҳини ўз шеъриятида тараннум этади. Куйлаганда ҳам ўзига хос овоз, ўзига хос оҳанг, ўзига хос жозиба билан куйлайди. Яна бир сабаби: шоирнинг мустақиллик йилларидаги баракали асарларида бугунги китобхонни яқин ўтмишда биз гувоҳ бўлган суронли ва синовли воқеалар билан таништиради. Мисол тариқасида "Ватан сурати" тўпламидан жой олган "Хумо" достонидаги мана бу сатрларга эътибор берайлик:

Ўшнинг фожиаси,
Кувасой иши,
Тошкентда тўкилган
бегуноҳ қонлар...
Бариси, бариси
ғаним қилмиши.

Фикри ожизимча, собиқ совет давлатининг жон талвасасида қолганида минтақамизда миллий низолар чиқариб, юртимизни уруш ўчоғига айлантирмоқчи бўлганларнинг ёвуз ният ва хатти-ҳаракатларини шеъриятда ишонарли очиб берган шоир Тўланбой бўлса керак.

Зикр қилинган фожиаларни бугунги ўқувчи ва талаба ёшлар эҳтимол тасаввур қила олмас, шу боис улар албатта, "Хумо"-ни ўқишлари керак, Ўш, Қувасой, Паркент, Бўкадаги мудҳиш воқеаларни ўқигач, Ватанимиз мустақилликка осонлик билан эришмаганини англашлари осон кечади, деб ўйлайман.

Тўланбой ўз ижодида, халқимизнинг маънавий жасорат тимсолларини талқин қилиши диққатни тортади. Шоирнинг "Чўлпон" достонида оташин шоир образи унинг ижодий ғоялари асосида жўшқин ва таъсирчан кўринишда гавдалантирилади. Мустақиллик шарофати билан шеъриятдаги Ватанга муҳаббат, аждодларга содиқлик ва мардликни мадҳ этиш Тўлан Низом ижодида асосий ўринга кўтарилди. Шунингдек, шоирнинг "Андижонга қайтган" Бобур Мирзо, Чўлпон ҳақидаги достонлари ёш китобхонларда миллий ғурур-ифтихор ва истиқлолга фидойилик руҳини кучайтиради. Қаранг шоирнинг бадиий маҳоратини:

Икки дарё Аму билан Сир,
Бириси — Навоий,
бириси — Бобур.

Бу сатрлар ўринли ташбеҳ, гўзал ифодалар ҳосиласидандир.

Тўлан Низом ўз овози ва ўз бадиий услубига эга бўлган сермаҳсул ижодкор. Унинг энг ноёб хизматларидан бири — буюк неъмат бўлган мустақиллик тарихини, халқимиз қаҳрамонлигини шеъриятда бор овози билан куйлаши, деб биламан ва бир мухлиси сифатида уни қутлайман.

Ижодкорнинг ўттиздан зиёд достонлари нашр этилди. Ўнлаб шеърлари халқимизнинг машҳур ҳофизлари томонидан куйланмоқда, юзлаб шеърлари ўқувчилар — сўз соҳибларининг мулкига айланди.

Шукуржон ВАЛИЕВ,
Бобур номидаги Андижон давлат университети доценти,
филсафа фанлари номзоди.

ТАДҚИҚОТ

Норин сўзининг маъноси нима?

Норин деганда аввало, хаёлимизга Наманган вилоятидаги туманлардан бирининг номи келади. Туманнинг бундай номланишига ўша ҳудуддаги Норин дарёси асос бўлган. Шунингдек, бу сўз асрлар давомида бошқа нарсаларга нисбатан ҳам қўлланилиб келинганини қайд этиш жоиз. Масалан, Норин дарёси бўйида дастлаб капа (чайла) қуриб яшаган одамларнинг қишлоғи Норинкапа деб аталган. Қирғизистон Республикасида ҳам Норин шаҳри, Норин вилояти ҳамда шу ном билан аталувчи сойлик, Тяньшан тоғида эса Норинтов тизмаси мавжуд. Қирғиз тилида нарин сўзи ўзбек тилидаги норин таомини ва бешбармоқ номли таом номини билдиради.

Умуман олганда норин сўзи атоқли от сифатида туркий ва мўғул халқлари яшайдиган катта ҳудудлар, жумладан Волга бўйи, Урал, Тува, Марказий Осиёда жой, сувли ерлар, шунингдек, кишилар исми маъносида ҳам учрайди. Ўзбек халқининг, хусусан, Тошкент шаҳри ва вилояти аҳолисининг энг таниқ — гўшт ва хамирдан тайёрланадиган таомларидан бири ҳам норин деб аталади. Бундан ташқари, тилимизда Норинбек, Норинхон, Нориннисо, Норингул каби исмлар ҳам бор.

Аммо юқоридагиларни бир-бирига боғлайдиган кўзга кўринмас занжир мавжуд. Бу — норин сўзининг ҳозирги туркий тилларда сақланмаган, лекин қадимда мавжуд бўлган маъносидир. Ҳозирги мўғул тилида *нарийн* сўзи бор. Қозоқ тили географик атамаларини тадқиқ қилган Г.Конқашпаев ҳам мўғул тилида *нарин, нарийн* сўзининг мавжудлигини эътиборга олиб, *норин* сўзи мўғулчадан олинган деб ёзади. Аммо ўзбек, қирғиз, қозоқ ва бошқа туркий халқлар яшайдиган ҳудудда мавжуд бўлган Норин дарёсининг номини мўғуллар қўйган ёки бу жумла мўғул тилидан кириб келган дейиш на илмий ва на лисоний жиҳатдан асосга эга *эмас. Нарийн* — нозик, юпқа, ингичка, тор, сиқиқ, танг, лазиз, гўзал, латиф, яхши деган маъноларни билдиради. Бу сўз бурят, ёқут тилида ҳам учрайди. Тунгус-манжур тилларидаги нарҳун сўзи нафис, ингичка товуш маъносини англатади. Кўриниб турибдики, дарё номи бу сўзнинг тор, сиқиқ маъносидан юзага келган. Хамир ва гўштнинг *юпқа қилиб* кесилиши таомга шу номнинг берилишига асос бўлган дейилса, *лазиз, гўзал, латиф* маъноларини киши исмларининг юзага келишига омил бўлган. *Нарийн, нарин, нарън, нарҳун* сўзларининг турк, мўғул ва тунгус-манжур тилларида учраши бу сўзларнинг юқорида қайд этилган тиллар учун асос ҳисобланган олтой боботилига мансуб эканини англатади. Демак, биргина ўзбек тилида дарё, шаҳар, таом номи ва киши исми сифатида мавжуд бўлган *норин* жумласи соф қадимги туркий сўздир.

Тўра НАФАСОВ,
Қарши давлат университети профессори.

ЗАМОНДОШ

Ўз касбининг фидойиси

Турсунбой ака бугун ҳам одати бўйича идорасига барвақт келди. Кечаги берилган топшириқларни қандай бажарилганини кўздан кечиргач, иш столидаги қоғозга қараб, бугун қилинажак юмушлар билан танишди. Кўрсаткичлар ёмон эмас. Ҳаммаси белгиланган режа асосида бормоқда.

Турсунбой Мирзараҳимов ҳозир нимагадир босиб ўтган иш фаолиятини эслади. Мана, Андижон гидроэлектр станциясига раҳбарлик қилаётганига ҳам 21 йилдан ошибди. Директор этиб тайинланганида корхона иш бошлаганига энди уч йил тўлганди. Тажрибали мутахассислар етишмас, соҳа янги бўлгани учун иш жараёнини бошқариш ҳам бирмунча мураккаб эди. Йиллар ўтиб барчаси аста-секин изга тушиб кетди ва қийинчиликлар ортда қолди. Мутахассисларнинг тажрибаси ҳам ортиб борди. Белгиланган режалар ортиғи билан уддаланди. Энг асосийси, электр қуввати ишлаб чиқаришда узилишларга йўл қўйилмади. Шуларни эслаб, унинг кўнгли хотиржам бўлди.

Албатта, Турсунбой аканинг тиниб-тинчимаслиги жамоа эришган муваффақиятларда асосий омил бўлди. У корхона ишини ҳар жиҳатдан яхшилашга ҳаракат қилди. Асосий фаолиятидан ташқари ер олиб ёрдамчи хўжалик ташкил қилди. У ердан олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишчиларга арзон нархда сотишни йўлга қўйди.

Бугун Фарғона водийсида Андижон гидроэлектр станциясининг алоҳида ўрни бор. Жамоа аъзоларининг фидокорона меҳнати туфайли истеъмолчиларга белгиланган тартибда электр қуввати етказиб берилаяпти. Корхона Андижон вилоятидаги бир қатор шаҳар ва туманлардаги истеъмолчиларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаяпти.

Станцияга кирган кишининг эътиборини бу ердаги озодалик ва саранжом-саришталик тортиши табиий. Буни нафақат бошқарув биносида, балки ишлаб чиқариш жараёнларида ҳам кўриш мумкин. Табиийки бу жамоа аъзоларининг кайфиятига ҳам таъсир этиб, уларни унумли меҳнат қилишга ундайди.

Аслида гидроэлектр станцияси жойлашган Хонобод шаҳри табиатининг баҳаволиги, хушманзаралиги билан ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Корхона Андижон сув омборининг шундоқ ёнида бунёд этилган бўлиб, омбордан қишлоқ хўжалиги учун чиқаётган обиҳаёт ҳисобига ишлайди. Демак, оқиб чиқаётган сув бекор кетмай электр энергиясини ҳосил қилишга хизмат қилади.

Корхонанинг ўтган йилдаги фаолиятига бир назар ташлайлик. Истеъмолчиларга 340,5 миллион киловатт электр энергияси етказиб берилди. Белгиланган топшириқ ортиғи билан адо этилди. Олинган фойда эса қарийб 98 миллион сўмни ташкил қилди. Жамоа аъзоларига ўз вақтида ойлик маошлари беришга эришилди.

Айни пайтда станциянинг иккинчи қисми ҳам бунёд этилаяпти. Бунинг учун Хитой Тараққиёт банки томонидан 11 миллион доллардан зиёд сармоя ажратилган. Ҳозир қурилиш ишлари қизғин давом этмоқда. Объектни жорий йилнинг охирида фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Агар корхонанинг иккинчи қисми ҳам ишга тушса, бу ердан чиқаётган электр энергияси қуввати икки баробарга ошади. Янги станцияда ишлайдиган мутахассисларни тайёрлашга аллақачон киришилган. Масалан, ҳозиргача бир неча мутахассис Хитойга бориб ўз малакасини ошириб қайтди.

Турсунбой аканинг оиласидагилар ҳам отасининг касбини эъзозлашди. Шу боис фарзандлари ҳам ота изидан боришди. Уч ўғли ўзи билан бирга ишлайди. Бири эксплуатация бўлими бошлиғи вазифасида, иккинчиси иқтисод бўлимида, яна бири эса механика бўлимида хизмат қилади.

Бугун Турсунбой Мирзараҳимовни тажрибали мутахассис сифатида соҳадагиларнинг барчаси ҳурмат қилади. Республикамиздаги турдош корхоналарга у кишини таклиф этиб маслаҳат, йўл-йўриқ сўрашади. Масалан, Тўполанг гидроэлектр станциясини ишга туширишда Турсунбой ака бир неча кун у ерда бўлиб, ишга бошқош бўлди. Т.Мирзараҳимовнинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Президентимизнинг Фармонига биноан "Дўстлик" ордени билан мукофотланган. "Сув хўжалиги аълочиси" нишони билан тақдирланган.

Турсунбой ака билан суҳбатлашган одам у кишидаги ўз ишига фидойиликни, самимиятни ва маънавиятга чанқоқликни кўриб ҳавас қилади.

Ҳосил КАРИМОВ
Суратда: Турсунбой Мирзараҳимов.
Муаллиф олган сурат.

ТАФАККУР

БЕНЖАМИН ФРАНКЛИН

(1706-1790)

Дунёга машҳур файласуф олим, сиёсатчи, дипломат ва ихтирочи Бенжамин Франклин инглиз муҳожири Жозеф Франклин оиласидаги 17-фарзанднинг саккизинчиси эди. Унинг отаси ҳунарманд бўлиб, совун ва шам ишлаб чиқариш билан шуғулланган. Ёш Бенжамин ўзи мустақил таҳсил олган. У биринчи бўлиб тебранма ўриндиқни ихтиро қилган.



1746 йилда Бенжамин тасодифан доктор Спенснинг "физика хонаси мўъжизалари" сеансига боради. У ерда илк бор электр машинаси билан танишади ва электр тажрибаларига қизиқиб қолади.

1776 йилда у Франгистонга элчи сифатида жўнатилади. Бенжамин Франклин Америка Конституциясининг муаллифларидан бири ҳамдир.

Шуни айтиш жоизки, инсоният тарихидаги энг ажойиб ва буюк ихтиролардан бири ҳисобланмиш яшин қайтаргични ҳам Бенжамин Франклин ўйлаб топган. У электр соҳасидаги кашфиётлари ва бошқа кўплаб амалий янгиликлари билан жаҳонга донг таратди. Файласуф сифатида эса инсоний муносабатлар муаммосини тадқиқ этиб, кўплаб фойдали амалий тавсияномалар ёзиб қолдирди. "Вақт — пул", деган машҳур ҳикматнинг муаллифи ҳам Бенжамин Франклиндир ("Ёш савдогар учун маслаҳатлар" асарида). Унинг энг машҳур асарлари қуйидагилар: "Озодлик ва зарурият, ҳузур-ҳаловат ва изтиробга доир мулоҳазалар" (1725), "Бой бўлишни истовчилар учун муҳим маслаҳатлар", "Мўл-кўлчиликка йўл" (1758).

XVIII аср Америкаси Бенжамин Франклин каби ҳар томонлама қобилиятли ва сермаҳсул одамни кўрмаган. Ёзувчи ва ношир, олим ва жамоат арбоби, дипломат ва файласуф Бенжамин Франклинга ватандошлари "Энг илғор америкаликлар орасидаги биринчи шахс" деб баҳо берганлар. У 84 ёшида вафот этди ва бутун Америка халқи 30 кун мотам тутади. Унинг номи инсоният кўрки, илм, озодлик ва Ватан учун беқиёс хизмат кўрсатган даҳо сифатида "Инсониятнинг энг буюк намояндалари" рўйхатига киритилган.

Қуйида мутафаккирнинг ҳикматларга бой бир мактуб-ҳикоясини эълон қилмоқдамиз.

ҲУШТАК

(Британ хонимга мактуб, 1779 йил 10 ноябрь)

Азиз дўстим, чоршанба ва шанба куни йўллаган бир жуфт мактубингизни олдим. Бугун яна чоршанба. Аввалгисига жавоб ёзмаганим учун мактуб олишдан маҳрум бўлдим. Бироқ, гарчи ялқов бўлсам-да ва мактуб битишни хуш кўрмасам-да, агар ўзим жавоб ёзмасам, бошқа ҳеч қачон Сизнинг дилкаш битигингизни ўқий олмаслигим юзасидан чексиз хавотир қўлимга қалам тутишга мажбур этди. Шу боис жаноб Б. эртага Сизни йўқлаб бориш ниятида экани тўғрисида илтифот ила маълум қилганида ҳам бу чоршанбани аввалгилари каби Сизнинг дилкаш даврангизда эмас, Сиз ҳақингизда ўй суриб ўтказишга: Сизга мактуб битиш, номаларингизни қайта-қайта ўқиб чиқишга аҳд қилдим.

Сизнинг жаннат ва у ердаги ҳаёт тўғрисидаги таърифингиз мени мафтун этди. Жаннатга бу оламдан имкон қадар ҳамма яхши нарсаларни олиб ўтишимиз кераклиги тўғрисидаги хулосангизни бағоят маъқуллайман.

Фикримча, агар ҳуштаклар учун ҳаддан ортиқ ҳақ тўламаганимизда эди, ҳозиргидан кўра кўпроқ нарсаларга эга бўлишимиз, ёвузликдан камроқ азоб чекишимиз мумкин эди. Чунки биз дуч келадиган бахтсиз одамлар, менимча, ана шу эҳтиётсизлик туфайли саодатни бой берганлар.

Нимани назарда тутаяпти, деб сўрарсиз? Сиз ҳикояларни ёқтирасиз. Шу боис ўзим тўғримдаги бир ҳикояни сўзлаб бермоқчиман. Ва бунинг учун мени маъзур тутгайсиз.

Ёшим еттида эди. Байрамларнинг бирида ўртоқларим менга бир ҳовуч чақа совға қилишди. Мен ўша заҳоти ўйинчоқлар дўконига равона бўлдим. Йўлда кетаётганимда бир боланинг қўлидаги ҳуштакнинг садоси ҳушимни ўғирлади ва дўконга кириб бор пулимга ҳуштак сотиб олдим. Кейин уйга қайтдим-да, севинчим ичимга сиғмай қулоқни қоматга келтириб ҳуштак чала бошладим.

Бундан уйдагиларнинг аччиғи чиқса-да, мен жуда сармаст эдим. Акаларим, опаларим, амакиваччаларим ҳуштакнинг баҳосини суриштириб билгач, уни ўз нархидан тўрт баравар қимматга сотиб олганимни, қолган пулга қандай яхши нарсалар сотиб олишим мумкинлигини айтиб, устимдан роса кулишди. Хўрлигим келиб йиғлаб юбордим. Ҳуштак туфайли чеккан бу изтиробим, у келтирган қувонч ва лаззатдан зиёдроқ эди.

Хотирамга муҳрланиб қолган бу воқеа кейинчалик менга асқотди. Бирор кераксиз буюмни сотиб олиш васвасасига учраганимда, ўзимга: "Ҳуштак учун ҳаддан ортиқ ҳақ тўлама", — дейман-у, пулимни тежаб қоламан.

Вояга етиб катта ҳаёт йўлига қадам қўйганимдан кейин одамларнинг хатти-ҳаракатларини кузата бошладим. Шунда ҳуштаги жуда қимматга тушаётган кўплаб одамларни учратдим.

Қирол саройидаги қабулда иштирок этиш шарафига нойил бўлиш йўлида ўзининг қимматли вақтини, фароғатини, эркини, марҳаматини ва эҳтимол, ёр-дўстларини қурбон қилаётган ўта иззатталаб одамни кўрганимда ўз-ўзимга: "Бу кишининг ҳуштаги жуда қимматга тушди-да", — деб қўярдим.

Шон-шуҳратга ҳаддан зиёд муккасидан кетган, доимий равишда сиёсий югур-югурлар билан овора бўлган ва эътиборсизлиги оқибатида касб-корини ўлда-жўлда қолдирган кимсани кўрганимда эса: "Чиндан ҳам унинг ҳуштаги жуда қимматга тушди", — деб қўяр эдим.

Ҳар қандай ҳузур-ҳаловатдан, ўзгаларга яхшилик қилишдан, ҳамсоя ҳурмат-иззати, эътиборидан ва чин дўстлик қувончларидан воз кечиб, пул тўплашни ихтиёр қилган, ўтакетган хасис одамни кўрганимда: "Эй, бахтиқаро! Сенинг ҳуштагинг нақадар қимматга тушди-я", — дердим.

Ҳиссий лаззат, кайфу сафо йўлида ақлини қурбон қилган ва саломатлигига путур етказган шаҳватпарастни учратганимда, дердим: "Сен адашаяпсан, наздингда лаззатдек туюлаётган нарса аслида бир дарддир. Ҳуштагинг жуда қимматга тушаяпти!"

Ўзига оро бериб, гўзал либосларга, чиройли уйлару жиҳозларга, фойтунларга меҳр қўйган, аммо уларга эришиш учун қўли калталик қилиши оқибатида қарзга ботган ва умрини турмада ниҳоялаганларни кўрганимда: "У ҳуштак учун катта, жуда катта тўлов тўлади", — дердим.

Хулласи калом, мен инсон бошига ёғилгувчи кулфатларнинг кўп қисми одамлар нарсаларнинг қимматини тўғри баҳолай олмасликларидан келиб чиқади ва уларнинг ҳуштаги жуда қимматга тушади деб ҳисоблайман.

Аммо ҳар ҳолда бундай бахтиқароликларга шафқатли бўлишимиз лозим. Ҳолбуки, бундай ўйлаб қарасам, ғурурланишга арзигулик ақл-фаросатим борлигига қарамай, мен учун ҳам қирол Жоннинг олмалари каби йўлдан оздирувчи нарсалар бор. Хайриятки, уларни сотиб олиб бўлмайди. Борди-ю, улар кимошди савдосига қўйилганда мен бир лаҳзада бор-йўғимдан айрилишим ва яна бир марта ҳуштак учун ҳаддан зиёд тўлаб юборганимни пайқамай қолишим мумкин бўлур эди.

Кўришгунча хайр, менинг азиз дўстим.

Камоли эҳтиром ила содиқ қулингиздан деб билурсиз.

МАДАНИЯТ

ФАОЛИЯТ

ХАЛҚ БАНКИ:
излангани яратади, муваффақиятга эришади

Дунё иқтисодиётида юз бераётган иқтисодий инқироз, молиявий тизимдаги муаммолар ишбилармонлару олимларнинг диққат эътиборида турган бор гап. Интернет сайтларига кирган, оммавий ахборот воситаларини доимо кузатиб бораётган киши борки, кўпчилик мамлакатларда катта-кичик корхоналарнинг таназзулга юз тутиб, минглаб иш ўринлари қисқариб бораётганини кузатмоқда. Одамлар том маънода бекорчи бўлиб қолиш, бошқа жойдан иш қидириш, оворагу сарсон бўлишдан астойдил чўчимоқдалар. Бизда-чи? Юртбошимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ҳукуматимиз томонидан миллий иқтисодиётни янада эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Бугун мамлакатимизда фаолият юритаётган молиявий муассасалар ва уларнинг барча раҳбарлари-ю, мутахассисларига, давлатимиз томонидан катта масъулият юклатилган. Рақобат муҳитида жамоанинг нуфузини янада ошириш, қўйилаётган талабларга қатъий амал қилган ҳолда банкнинг капиталлашувини янада кўпайтириш, унинг инвестицион фаоллигини ошириш, иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес субъектларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш, аҳоли ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш орқали таклиф этилаётган хизматлар кўламини кенгайтиришга Халқ банки ҳам алоҳида эътибор бермоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида банкнинг жами капитали йил бошига нисбатан 5,8 миллиард сўмга кўпайтирилиб, унинг умумий миқдори 121,8 миллиард сўмга етказилди. Бу нафақат банк молиявий имкониятларининг янада кенгайишига, молиявий муассасанинг мижозлар олдидаги нуфузининг ортишига, балки мамлакат банк тизимидаги ўрни ва салоҳиятининг ошишига омил бўлди. Банкнинг жами активлари 136,6 миллиард сўмга ёки 125,6 фоизга ортиб, 664,4 миллиард сўмга етказилгани, даромад келтирувчи активлар ўтган йилга нисбатан 186,1 фоизга кўпайиб, 529,8 миллиард сўмни ташкил этаётгани ҳам қувонарли ҳолдир, албатта.

Шунингдек, ўтган қисқа давр ичида банк филиаллари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори, кичик бизнес субъектлари ва истеъмол бозорини кредитлашга ҳам катта эътибор қаратилди. Кредит сўраб мурожаат қилган мижозларнинг лойиҳалари қисқа фурсатда атрофлича ўрганиб чиқилмоқда. Маблағларни тўғри шунингдек, ўринли жойлаштириш, тез фойда келтирадиган ва қўшимча иш ўринлари яратиш имконини берадиган соҳаларга йўналтириш бўйича мижозларга маслаҳат ҳамда таклифлар ҳам берилаяпти. Бу албатта, ўзининг ижобий самарасини тез орада кўрсатмоқда. Масалан, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга 24,3 миллиард сўм ажратилди. Жорий йилнинг дастлабки чорагида Халқ банкининг кредит портфели 64,6 миллиард сўмга ортиб, жами 307,2 миллиард сўмни ташкил этди.

Кредит сифатида ажратилаётган маблағларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, алоқа, савдо ва иқтисодиётнинг бошқа устувор соҳаларига йўналтирилмоқда. Шунингдек, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили давлат Дастури тўғрисидаги" қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишбилармон мижозларга 7 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди.

Маълумки, бугун ишим тез битсин деган одам албатта, ўзига ишончли ҳамкор қидиради, маблағини ишончли бўлиш учун банкда сақлашни истайди. Шунингдек, энди иш бошлаётган тадбиркор тажрибали кишилардан қайси банкка борсам экан, деб сўраши ёки ҳар бир молиявий муассасанинг имконияти, мижозларга кўрсатаётган хизматининг сифати-ю, кўламини тарозига солиб кўриши табиий. Натижада банклар ўртасида рақобат юзага келади. Шу боис, Халқ банки жамоаси, унинг ҳар бир филиали ва бўлимида фаолият юритаётган ходим бу даргоҳдан ҳеч ким норизо бўлиб кетмаслиги керак услубида иш юритмоқда. Шу ўринда қуйидаги рақамларга эътибор берайлик. Қисқа фурсат мобайнида ишлаб чиқариш корхоналарига технологик ускуналар сотиб олиш учун 2,5 миллиард сўм, хом-ашё ва турли металлар харид қилиш учун 2,6 миллиард сўмдан ортиқ маблағлар ажратилди.

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш жараёнида тадбиркор аёлларга 2,9 миллиард сўм, асосан аёллар меҳнатидан фойдаланадиган ва аёллар бошқарадиган фирма, кичик корхона ва фермер хўжаликларига 2 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди. Қишлоқ хўжалик корхоналарига ўтган қисқа давр ичида 7,6 миллиард сўмлик турли техника ва тракторлар олиб берилди. Жами 6147 та аграр соҳа корхоналарига пахта ва ғалла етиштириш бўйича шартномаларни бажариши, мўлжалдаги ҳосилни олиши учун 50,6 миллиард сўм миқдорида имтиёзли қарзлар берилди.

Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, молиявий муассаса томонидан чорвачиликни ривожлантириш учун 1482 нафар фуқарога 1,6 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Энг муҳими, иқтисодиётнинг турли тармоқларига кредитлар кўринишида жойлаштирилаётган Халқ банки сармоялари ўз самарасини бераяпти, қисқа фурсат ичида 2920 та қўшимча иш ўринлари яратилгани ана шу саъй-ҳаракатларнинг амалдаги ифодаси дейишимиз мумкин. Яна бир эътиборли жиҳати, кечагина банк билан ҳамкорлик ўрнатган ва унинг маблағи эвазига қаддини тиклаб олган ишбилармонлар бугун нафақат турли-туман маҳсулот ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш билан ҳам шуғулланмоқда, шу билан бирга қишлоқларимизнинг ободлиги учун ҳам қайғураяпти.

Ёшлар мамлакатимизнинг келажагидир. Ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳам бежиз эмас. Халқ банки ҳам бу масалага устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратган. Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ўтган даврда 681 нафар оилага жами 4,4 миллиард сўм, шу жумладан 100 нафар оилага 2,3 миллиард сўмлик ипотека, 373 оилага 1,3 миллиард сўм (мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарларни сотиб олиш учун) истеъмол кредитлари, 208 та оилага 800 миллион сўмлик микрокредитлар ажратилди.

Инвестиция ва кредит ресурслари манбаларини кенгайтиришга, жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини банк жамғармасига жалб этишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда жорий йил бошидан буён қўшимча равишда 8 та янги омонат турлари очилиб, уларга 23,2 миллиард сўм жалб этилди. Шунингдек, мавжуд омонатларнинг шартлари мижозлар учун мақбул ва манфаатли шартлари билан алмаштирилди. Мижознинг биринчи талаби билан омонатга қўйилган маблағнинг эгасига қайтарилиши ҳам фуқароларнинг банкка бўлган ишончини ошираяпти. Натижада кейинги бир йил ичида банк депозитларига аҳоли бўш маблағларини жалб этиш салмоғи 172,3 фоизга ортди. Нақд пулнинг банкдан ташқарида айланишини камайтириш борасида ҳам бир қатор чоралар кўрилгани натижасида банк кассаларига жорий йилнинг биринчи чораги давомида 452,3 миллиард сўм кирим қилинди.

Бугун коммунал тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, бу борада аҳолига қулай шарт-шароит яратиш ҳам молиявий муассаса ходимлари зиммасига катта масъулият юкламоқда. Халқ банкининг 335 та муассасаси, 13 та махсус сайёр банклари ва 200 га яқин кўчма кассалари орқали жорий йилнинг биринчи чорагида аҳолидан 14,4 миллиард сўм коммунал тўловлар қабул қилинди. Бу жараёндаги фаоллик ва тезкорлик, аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш орқали хизмат кўрсатиш банк нуфузининг ошиши, мижозлар сонининг кўпайишига олиб келаётгани ҳам бор гап.

Бундан ташқари, Халқ банкининг 230 дан ортиқ муассасаларида "Ўзтўлов" миллий тўлов тизими жорий этилди. Бу ҳам мижозларга коммунал ва бошқа тўловларни тезкорлик билан амалга оширишда жуда қўл келаяпти.

Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талаблари ижроси бўйича Халқ банки тизимида мини банклар сони 242 тага, махсус кассалар 339 тага, пластик карточкалар сони 181 минг 643 тага, терминаллар 2265 тага, аҳоли омонатлари қолдиғи 320 миллиард сўмга, жами кредитлар қолдиғи 307,2 миллиард сўмга, фуқароларга ажратилган истеъмол кредитлари қолдиғи 110,5 миллиард сўмга етказилди. Банкка ишончи ортган мижозлар сони ҳам сезиларли даражада ошди, ҳозир улар 67 минг 586 тани ташкил этади. Шунингдек давлат аҳамиятига эга бўлган ташкилотларнинг 12 та ҳудудий бўлинмалари банк хизматларига жалб қилинди. Нақд пул тушумини таъминловчи мижозлар сони эса 702 тага ортиб, жорий йилнинг апрель ҳолатига келиб 17 минг 656 тага етди.

Молиявий муассасанинг хорижий молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳам самарали йўлга қўйилмоқда. Мутахассислар малакасини узлуксиз ошириб бориш, уларнинг тизимдаги энг сўнгги янгиликлар ва иш юритиш тамойилларини ўрганиши, мақбулларини молиявий муассаса ва унинг филиалларида жорий этаётганлари ҳам ютуқлар омили бўлаётгани бор гап. Айни чоғда Германия Жамғарма кассалари халқаро ҳамкорлик жамғармаси мутахассислари эътироф этганидек, Халқ банки тизимидаги намунавий филиаллар сони 31 тадан ошди.

Ўқиш, ўрганиш, янгиликлар ва янги дастурларни иш жараёнига тезкорлик билан жорий этиш айни пайтда ҳам давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида 12 нафар ходим Минтақавий банк ўқув марказида, 85 нафар мутахассис Халқ банки ўқув марказида, 130 дан ортиқ ходимлар тизимда ўтказилган семинар ва ўқувларда малака оширишди. Буларнинг бари ҳеч шубҳа йўққи, банкнинг 2009 йилдаги ютуқларига пойдевор бўлади. Банк жамоасининг мижозлар ишончини қозониш, хизмат кўрсатиш сифати ва савиясини юксалтириш каби самарали ҳаракатлари келгусида халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Халқ банки матбуот хизмати. ®

СПОРТ

УЧРАШУВ ҚОЛДИРИЛДИ

Ўзбекистон миллий чемпионатининг 11-туридаги «Бунёдкор» ва «Пахтакор» клублари учрашуви ҳар икки жамоанинг Осиё чемпионлар лигасида иштирок этиши муносабати билан қолдирилди, деб хабар тарқатмоқда www.uff.uz сайти. Тақвим бўйича Тошкент дерби 23 май куни ўтказилиши лозим эди. Бироқ 20 май куни «Пахтакор» жамоаси Осиё чемпионлари лигасида иштирок этиш учун Саудия Арабистонига сафар қилса, 19 май куни «Бунёдкор» клуби ўз майдонида мусобақани давом эттиради.

Энди учрашув Ўзбекистон профессионал футбол лигасининг захира куни этиб белгилаган муддатда ўтказилади.

ЎНИНЧИ ҒАЛАБА

Аёллар орасида жаҳоннинг биринчи рақамли теннисчиси Динара Сафина «Премьер» сериясига кирувчи турнир финалида дугонаси Светлана Кузнецовага қарши кортга чиқиб, 6:3, 6:2 ҳисобида зафар қучди.

Мазкур ютуқ Динара Сафинанинг фаолияти давомидаги 10 ғалабасидир. Қизиқарли томони мана икки ҳафтадирки, Динара Сафина ва Светлана Кузнецова ВТА доирасига кирувчи йирик турнирларнинг финалида ўзаро куч синашаяпти. Ўтган ҳафтада Германиянинг Штутгарт шаҳрида ўтказилган беллашувда Светлана Кузнецованинг қўли баланд келган эди. Аммо кейингиси Динара Сафинанинг фойдасига ҳал бўлди.

КАСАЛЛИГИ ТУФАЙЛИ...

Ўрта оғир вазнда WBC ва WBO йўналишлари чемпиони Келли Павлик Тодд Дюбефнинг маълум қилишича, жорий йилнинг 27 июнида собиқ чемпион Серхио Морига қарши бўлиб ўтиши режалаштирилган жанг қолдирилган. Бунга Серхио Морининг кафтида стафилококк инфекцияси аниқлангани сабаб бўлган. Шунинг учун шифокорлар унга спорт билан бошқа шуғулланмаслигини маслаҳат берган.

Дарҳақиқат, икки чарм қўлқоп устаси ўртасидаги жангга жамоатчиликнинг эътибори катта эди. Чунки WBO йўналишининг ярим енгил вазнида янги чемпион номи маълум бўларди.

РОССИЯ ЧЕМПИОН

Россия терма жамоаси хоккей бўйича жаҳон чемпионатида кетма-кет иккинчи марта олтин медални қўлга киритгани учун Халқаро хоккей федерациясининг рейтинг жадвалида биринчи ўринга кўтарилди. Швейцариянинг Берне шаҳрида мусобақанинг финалида канадаликларга қарши баҳс олиб бориб, 2-1 ҳисобида ғолиб бўлди.

Таъкидлаш жоизки, финалда имкониятни бой берган канадаликлар жадвалда иккинчи, шведлар учинчи ва финлар тўртинчи ўринни эгаллади.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

СОЧМАЛАР

Дарахтнинг синган шохлари

Бирон дарахтнинг синган шохидаги меваларга кўзим тушганида ажабланаман, айни пайтда унинг қудратига қойил қоламан: у мажруҳ бўлса-да, меваларини пиширади ва кейин ўзи қурийди.

Етти мучаси соғлом бўла туриб, фарзандларига одоб, ахлоқ, илму маърифат ва касб-ҳунар ўргатиш орқали уларни комил инсон қилиб тарбиялашга лоқайдлик билан қараётган баъзи оталарни кўрсам, уларнинг ожизлигидан ачиниб кетаман.

* * *

Нима сабабдан кўпинча, зиёли ёхуд тарбияли инсонлар беор кимсаларга бас келолмайди. Бу саволга анчадан бери жавоб қидирар эдим. Жавобни француз файласуфи Шамфор ҳикматларидан топгандай бўлдим: "Ҳаддан ортиқ юксак фазилатлар ҳам баъзан инсонни жамият учун яроқсиз ҳолга келтириб қўяди. Зотан, бозорга ҳам катта олтин ёмби билан бормайдилар. У ерда танга, майда чақалар керак бўлади".

* * *

"Одамнинг яхшиси — одамларга фойдалироғидир", "Одамларга фойда келтириш — олижаноб иш" каби ҳикматларни эшитган бўлсам-да, аммо "Ҳеч кимсага зарарим тегмаслиги учун бор кучимни ишга соламан" (Сковорода, украин файласуфи) деган ибратли гап қулоғимга чалинмаган экан. Шундай ҳикматли сўзларга изоҳ қидира бошладим. Топдим ҳам. "Қани эди, одамларнинг фойдаси тегмаганига яраша, зарари ҳам тегмаса, дардингга малҳам бўлиш қўлидан келмаса, кўнглингга ништар ҳам урмаса" (Навоий), "Гўзал хулқ — бировга зарар етказмаслик", "Ўзгаларга зарар келтиришдан сақланиш яхшилик аломатидандир" ёки "Ёмонлигингни одамлардан узоқ тутсанг шунинг ўзи сенга садақа ҳисобида ёзилур". Буларни бир фермер дўстимга ўқиб бердим. У эшитди ва шундай деди:

— Бу гапларнинг ҳаммаси тўғри. Лекин билиб қўй: ҳеч кимга зарари тегмаган одамнинг бир кун келиб кимгадир фойдаси тегади.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ, техника фанлари доктори.

РАССОМ ХАНДАСИ

Шавкат МУЗАФФАР чизган сурат.

HURRIYAT
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Навоий — 8-436-374-63-11
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Тошкент — 8-370-383-97-53
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.50

® — тижорат белгиси.

Адади: 14003 Буюртма — Г-454 2 3 4 5 6 7 8